БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 161 (16.244) • 11 июль 1975 йил, жума • Баҳоси 2 тийин

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва шунга мувофиқ тобора кўпроқ минерал-хом ашёни ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳамда ер ости бойликларидан бошқа мақсадларда фойдаланишни кенгайтириш шароитларида ер ости бойликларини қўриқлаш ва уларни ишлатиш вазифалари алоҳида аҳамият касб этади. Табиатни қўриқлаш, табиат бойликларидан рационал фойдаланиш — замонамизнинг актуал проблемаларидан бири бўлиб, экономикани муваффақиятли ривожлантириш, шунингдек ҳозирги ва келгуси авлодларнинг фаровонлиги шу проблемаларнинг тўғри ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Совет Иттифоқи нефть, газ, кўмир, темир руداси, марганец, хром, кўпгина рангли ва нодир металларнинг запаслари жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Ер ости бойликларининг социалистик мулк эканлиги, халқ хўжалигининг планли равишда олиб борилиши ер ости бойликларидан комплекс, самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни қўриқлаш учун ниҳоятда қулай шароитлар яратади.

Коммунистик партия ва Совет давлати ер ости бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш, уларни қўриқлашни кучайтириш билан боғлиқ вазифаларни изчиллик билан ҳал қилиб келаётирлар. КПССнинг XXIV съезди минерал-хом ашёдан фойдаланишни яхшилаш, ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини кенгайтириш ва даставвал ишлаб турган кончилик корхоналари жойлашган районларда, шунингдек саноат қўламида ўзлаштириш учун иқтисодий жиҳатдан анча қулай районларда фойдали қазилмаларни разведка қилиш борасидаги ишларни кенгайтириш юзасидан катта тадбирлар программасини белгилаб берди.

Шу программани амалга ошириш учун табиатни қўриқлашни кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш масалалари юзасидан СССР Олий Советининг 1972 йилда қабул қилган қарори ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планларида ер ости бойликларини қўриқлаш ва минерал ресурслардан рационал фойдаланиш борасидаги асосий вазифалар кўзда тутилмоқда.

Жуда муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган бир қанча конларни разведка қилиб поёнига етказиш, разведка қилинган фойдали қазилма запасларини ошириш борасидаги топшириқларни бажариш ҳисобига саноатнинг минерал-хом ашё базаси анча мустаҳкамланди.

Конларни ишга солишда фойдали қазилма нобудгарчилиги камайишини таъминловчи прогрессив системалар жорий этилмоқда; асосий қазилма билан бирга ётувчи ва унга қўшилиб чиқувчи фойдали қазилмалардан қимматли компонентларни ажратиб олишга ҳамда товар маҳсулот олишга имкон берувчи минерал-хом ашёни саралаш ва қайта ишлаш усуллари такомиллаштирилмоқда.

Нефть ва газ ер ости омборларини қуриш, тоннель, метрополитен ўтказиш, омборлар қуриш ва бошқа мақсадларда ҳам ер остидан тобора кўпроқ фойдаланилянти.

Разведка қилиш методлари ва усулларини, фойдали қазилма кавлаб чиқариш ва қайта ишлаш методлари ва усулларини такомиллаштириш, ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни яхшилаш борасидаги фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари кенгайтирилмоқда.

Шу билан бирга, СССР Олий Совети ер остидан рационал фойдаланиш ва ер ости бойликларини қўриқлаш ишида ҳанузгача муҳим камчиликлар борлигини ҳам қайд этади.

Фойдали қазилмани кавлаб чиқарувчи, уларни сараловчи ва қайта ишловчи министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар минерал-хом ашёдан рационал фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилишини доимо таъминлаб турибдилар, деб бўлмайди, кўпинча фойдали қазилма кўп нобуд бўлиб кетишига йўл қўймоқдалар. Фойдали қазилма конларини ишга солишда ҳамон маҳкамачилик билан ёндошувлар рўй бераяпти, минерал-хом ашё комплекс равишда қайта ишланишини таъминловчи объектлар сусткашлик билан қурилмоқда. Минерал-хом ашёдан ишлаб чиқаришда фойдаланишга яроқли баъзи компонентларни ажратиб олиш усуллари ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган. Конларнинг энг сермаҳсул участкаларидан фойдали қазилмани танлаб-танлаб қазиб олиш йўли билан ҳам жиддий зарар етказиляпти. Нефть конларини кавлашда нефть билан қўшилиб чиқувчи газнинг анча қисми ҳамон машъала қилиб қўйилибди. Айрим ҳолларда фойдали қазилма ётган майдонларга иморатлар қурилганлиги натижасида фойдали қазилма конлари ишга солинмай ётибди.

Бир қанча ҳолларда фойдали қазилма конлари етарлича разведка қилинмаганлиги ва уларнинг состави тўла ўрганиб чиқилмаганлиги сабабидан, шунингдек фойдали қазилма запасларини хисоблашда йўл қўйилган хатоликлар сабабидан кончилик корхоналари тўла бўлмаган ёки ишончсиз дастлабки маълумотлар асосида лойиҳаланаяпти, бу эса техникавий лойиҳаларда катта-катта хатоликлар келтириб чиқараяпти, моддий ва молиявий маблағлар асосиз сарфланаяпти. Кончилик саралаш комбинатлари ва металлургия комбинатларининг айрим лойиҳаларида минерал-хом ашёдан комплекс равишда фойдаланишни таъминловчи тадбирлар кўзда тутилмаяпти, шу қоннинг ҳамма фойдали компонентлари запаслар бўлган ҳолларда ҳам шундай бўлишига йўл қўйиляпти.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб чиқарувчи майда карьерларни камайтириш проблемаси сусткашлик билан ҳал этиляпти. Шу карьерларнинг кўпчилиги фойдали қазилма запаслари разведка қилинмагани ҳолда, кончиликка аталган жой ва ер участлари расмийлаштирилмаган ҳолда ишлаётганлигидан фойдали қазилмалар жуда кўп нобуд бўлиб кетаяпти. Кўпинча бундай карьерлар катта-катта деҳқончилик ерларини ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа жойларни эгаллаяпти ва одатда шундай карьерлардаги ишлар тугагач, бу жойлар рекультивация этилмаяпти, ернинг унумдор қатлами эса камдан-кам ҳолларгагина сақланиб қолаяпти. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари майда карьерларни бирлаштириш ва тугатиш борасидаги зарур чораларни кўрмаётирлар.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, шунингдек ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан зиммасига давлат назорати ва контроли юклатилган органлар ер ости бойликларини қўриқлашни кучайтириш ҳамда фойдали қазилмалардан фойдаланишни яхшилаш, ижтимоий муносабатларнинг шу соҳасида қонунга риоя этилиши юзасидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига тегишли эътибор бермаётирлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ер ости бойликларидан рационал, комплекс ва тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш ва социалистик экономикани янада ривожлантириш ҳамда совет халқи фаровонлигини ошириш мақсадларида ер ости бойликларини қўриқлашни кучайтириш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

2. СССР Министрлар Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссияларининг, СССР Олий Совети депутатларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалардан фойдаланишни яхшилаш ва ер ости бойликларини қўриқлашни кучайтириш борасида қуйидагиларни назарда тутувчи тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсин:

минерал-хом ашё ресурсларидан рационал ва комплекс равишда фойдаланишни таъминлаш ҳамда ер остидан фойдали қазилма кавлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжларда фойдаланишни яхшилаш мақсадларида планлаштиришни такомиллаштириш;

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганишни яхшилаш, геологик ишлар самарадорлиги ва бу ишлар натижаларининг аниқлигини ошириш

минерал хом ашё қазиб чиқаришнинг янги ғоят самарадор системалари ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш;

ер остидан рационал фойдаланиш ва уларни қўриқлаш энг актуал проблемалари юзасидан илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини кенгайтириш;

фойдали қазилма кавлаб чиқарилаётганида, сараланаётганида ва қайта ишланаётганида ундан тўла, комплекс ва самарали фойдаланиш ҳамда ер ости бойликларини қўриқлаш борасида министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг масъулиятини янада оширишни кўзда тутсин.

3. Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар ер ости бойликларидан тўғри фойдаланиш, фойдали қазилма конларини ишга солиш ва ер ости бойликларини қўриқлаш устидан, ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар хавф-хатарсиз олиб борилиши, атроф муҳит шу ишларнинг зарарли таъсиридан қўриқланиши устидан тегишли контроль ва назорат бўлишини таъминласинлар.

4. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари кенг тарқалган фойдали қазилмалар кавлаш тўғри ташкил этилиши устидан контролни кучайтирсинлар, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш устидан контроль қилиб бориш юзасидан ўзларига қонунда берилган ҳуқуқларни кенгроқ қўлласинлар.

• • •

ССР Иттифоқи Олий Совети ҳозирги шароитларда қудратли социалистик индустрия, илмий-техника революцияси ютуқлари заминида СССРда ер ости бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва уларни қўриқлаш учун ҳамма имкониятлар бор деб ҳисоблайди. Кончилик саноати тараққиётини илмий асосланган ҳолда планлаштириш, янги техникани ҳамда фойдали қазилма кавлаб чиқариш ва қайта ишлаш прогрессив методларини жорий этиш, ер ости бойликларидан рационал ва комплекс равишда фойдаланиш ва уларни қўриқлаш борасидаги қонунларга риоя этилиши устидан давлатнинг қатъий назорати ва контроли, бу ишда жамоатчиликнинг кенг қўламда қатнашуви коммунистик қурилиш ҳозирги босқичининг энг муҳим халқ хўжалик ва социал вазифалари ҳал этилишига ёрдам беради.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил 9 июль.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Пўлат Тошхўжаев бошлиқ бригадаси азаматлари 98 гектар пахта майдонида ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Бригада далаларида иш қизғин. Механизатор ва сувчилар ҳар бир туп гўзани авайлаб парвариш қилиб, ҳосил тугунчаларини кўпайтираётирлар. Суратда: Пўлат Тошхўжаев илғор механизатор Қурбон Тошхўжаев билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашяпти.

Ж. Тўраев фотоси.

1975 БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ҚИЗҒИН ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Монголия Халқ Революциясининг 54 йиллиги муносабати билан Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Хуралы президиумининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбалга, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ж. Батмунхга табрик телеграммаси йўлладилар.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, ўз мамлакатида чуқур революцион ўзгаришлар ясаган, социализмнинг мустаҳкам сиёсий ва социал-иқтисодий пойдеворини қурган монгол халқини доимо зўр ҳурматлаб келдилар ва ҳурматламоқдалар. Бу муваффақиятларга Монголия Халқ революцион партиясининг ва бутун монгол халқининг кўп йил давомида куч-ғайрат сарфлаши натижасида эришилди, бу муваффақиятлар Монголиянинг миллий шароитида марксизм-ленинизмнинг ва социализмнинг халқаро тажрибасини дадил-ижодий қўлланиш, СССР билан ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам иттифоқ бўлишдан иборат изчил йўл тутилганлиги туфайли таъминланди.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, Монголия коммунистлари, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари МХРП XVI съездининг қарорларини муваффакиятли равишда бажараётганликлари, экономика ва маданиятни ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганликлари тўғрисидаги хабарларни шоду хуррамлик билан кутиб олмоқдалар. Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Монголия Халқ Республикаси шу ҳамдўстликнинг сиёсий, иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг хилма-хил фаолиятида актив иштирок этмоқда. Биз, деб таъкидлайди совет раҳбарлари, партияларимиз ва мамлакатларимиз социализмнинг барча душманларига қарши курашда социализмнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиб, тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, доимо бир сафда иш кўраётганликларини юксак қадрлайдилар.

Совет кишилари халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида қарор топган қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни энг қимматли бойлик сифатида эъзозлайдилар ва ривожлантирадилар. Биз аминмизки, совет—монгол муносабатларининг эришилган юксак даражаси, коммунистик идеалларнинг муштараклиги, мамлакатларимиз туб манфаатларининг ғоят мос бўлиб тушиши Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун, халқларимизни бир-бири билан янада яқинлаштириш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади. (ТАСС).

НУР ДАРЁСИ

Кеча Ширин шаҳридан хушхабар келди: СССР 50 йиллиги номли Сирдарё ГРЭСи ишга туширилгандан то шу пайтгача —2,5 йил ичида 8 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр қуввати ишлаб берди. Шу варса қувончлики, энергетикаг бу билан беш йиллик топшириқни ҳам муваффақиятли бажаришга эришдилар.

Сирдарё ГРЭСининг энергетиклари бундай муваффақиятга пландан ташқари ишга туширилган учинчи агрегатнинг иши ҳамда унинг қувватини тезкорлик билан ўзлаштирганликлари туфайли эришдилар.

Ўзбекистон энергетикаси энг улкан корхонасининг коллективи шу кунларда КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, йил охиригача камида 3 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Шунингдек, ГРЭС қурувчилари ва монтажчилари йил охиригача 300 минг киловатт қувватга эга бўлган тўртинчи энергоблокни ишга туширишга ахд қилдилар. Бундан ташқари, ГРЭСнинг биринчи энергоблокини капитал ремонтдан чиқариш ҳамда уни муддатидан илгари ишга туширишга қарор қилдилар.

Сирдарё энергетиклари бу ютуқларга илғор методларни қўлланиш ҳамда социалистик мусобақани кенг авж олдириш туфайли эришмоқдалар.

Учинчи насос агрегати ишга тушди

Аму — Бухоро машина каналининг фидокор бунёдкорлари катта ғалабага эришдилар. Қизилтепа насос станциясида учинчи насос агрегати муддатидан илгари ишга туширилди. Эндиликда насос станциясидаги учта агрегат ҳар секундда 45 кубометр сувни пахта майдонларига, боғ-роғларга етказиб бермоқда. Бундай катта муваффақиятни қўлга киритишда Свердловск шаҳрининг мутахассислари бухороликларга катта ёрдам бердилар.

Урал мутахассислари «Ҳамза-1» ва «Ҳамза-2» станциялари қурилишида ҳам актив иштирок этишган эди. Бу гал ҳам улар бухоролик ирригаторларга дўстона ёрдам кўрсатиб, деҳқонларга мўл-кўл оби-ҳаёт етказиб бериш ишида яқиндан кўмаклашдилар.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «СССР ОҒИР, ЭНЕРГЕТИКА ВА ТРАНСПОРТ МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРЛИГИНИ ИККИ МИНИСТРЛИККА БЎЛИШ ҲАҚИДА»ГИ ВА СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ 77-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг «СССР Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлигини икки министрликка бўлиш ҳақида»ги 1975 йил 28 май Фармони тасдиқлансин.

Шунга биноан СССР Конституциясининг 77-моддаси «Транспорт қурилиши» сўзларидан кейин «оғир ва транспорт машинасозлиги сўзлари билан, «Электр техника саноати» сўзларидан кейин эса «энергетика машинасозлиги» сўзлари билан тўлатилсин.

«Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги» сўзлари 77-моддадан чиқариб ташлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил 9 июль.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

«Қарилик бўйича механизатор аёлларга пенсия тайинлаш учун ёш даражасини қисқартириш ҳақида»ги 1975 йил 7 март Фармони;

«Фронтда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини пенсия билан таъминлашни янада яхшилаш ҳақидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг III группасига мансуб бўлган ва ишлаётган инвалидларга пенсия тўлаш тартибини ўзгартириш ҳақида»ги 1975 йил 23 апрель Фармони;

«СССР Олий Совети Президиумининг «Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига ва учала даража Шуҳрат орденлари билан мукофотланган кишиларга қўшимча имтиёзлар белгилаш ҳақида»ги Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1975 йил 30 апрель Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил 9 июль.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун асослари тасдиқлансин ва бу асослар 1976 йил 1 январдан кучга киритилсин.

2-модда. СССР Олий Совети Президиумига ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун асосларини кучга киритиш тартибини белгилаш ва ССР Иттифоқи қонуни асосларига мувофиқлаштириш топширилсин.

3-модда. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош республикаларнинг қонунларини ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқлаштириш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1975 йил 9 июль.

IX МОСКВА ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

IX Москва Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман.

Маданиятни юксалтиришга, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашга ўз ҳиссасини қўшаётган Москва кинофестивалларининг эзгу анъанаси халқаро кескинликни юмшатиш давлатлар ўртасидаги муносабатларда белгиловчи омил бўлиб қолаётган ва жаҳондаги сиёсий жараёнлар тараққиётининг характери умид бағишлаб, инсониятнинг тинч келажагига тобора мустаҳкам ишонч туғдираётган ҳозирги куннинг руҳига айниқса мос бўлиб тушади. Кинематограф халқлар ҳаётини талантли ва ҳаққоний акс эттириш билан ана шу анъаналарни чуқурлаштиришда анча катта роль ўйнай олади.

Ҳозирги кунда ўзаро алоқаларни кенгайтириш, чинакам маданий бойликларни айирбошлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча қитъалардаги кинематографиячилар учун очиқ бўлган Москва фестивали бундай ҳамкорликни тағин ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилажагига шак-шубҳа йўқ.

Жаҳон киносининг тараққипарвар арбоблари ўз асарлари билан инсоният социал-тараққиётининг энг муҳим проблемаларини ҳал этишда актив иштирок қилмоқдалар, миллий мустақиллик учун, жабр-зулм ва зўравонликнинг ҳамма формаларига қарши курашмоқдалар. Кино санъати халқларнинг тинчлик, демократия, гуманизм учун курашга бўлган иродасини мустаҳкамлаши ғоят муҳимдир.

Мамлакатимизнинг кинематографиячилари халқнинг турмуши ва бунёдкорлик меҳнатини, ривожланган социалистик жамиятнинг ютуқларини, совет кишисининг маънавий дунёсини ҳар томонлама ёркин кўрсатиб беришга интилмоқдалар.

Ҳозирги кинофестиваль фашизм устидан ғалаба қозонилганлигига 30 йил тўлган бир пайтда ўтказилмоқда. Фашизмга ва милитаризмга қарши қаҳрамон курашчиларни илҳомлантирган идеалларнинг улуғворлигини очиб бериш — кино санъати арбобларининг юксак бурчидир. Бу идеаллар ҳозирги кунда ҳам инсониятнинг тинчлиги, эркинлиги ва бахт-саодатини қадрлаётган барча кишиларни илҳомлантирмоқда.

IX Москва Халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларининг ўзларининг олижаноб меҳнатида катта-катта муваффақиятларга эришувларини чин кўнгилдан тилайман. Миллионларча кишилар уларнинг бу меҳнатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Л. БРЕЖНЕВ.

А. А. Громико Женевага жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер билан учрашмоқ учун 10 июлда Женевага жўнаб кетди.

Икки ўртадаги келишувга мувофиқ учрашув вақтида ҳар икки томонни қизиқтираётган масалалар юзасидан фикрлашиб олинади.

Аэродромда А. А. Громикони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. С. Полянский, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ОЗУҚАНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати совхозимиз чорвадорларини янги меҳнат зафарларига руҳлантирди.

Менинг отарим бўйича баҳорда ҳар 100 бош совлиқдан 190 тадан соғлом қўзи олинди, ҳар юз бош совлиқ ҳисобига юзтадан қўзи ўстиришга қолдирилди. Шу кунларда қўй-қўзиларни кеча-кундуз яйловларда ўтлатмоқдаман. Қиш фасли учун ҳар бош қўй ҳисобига камида икки центнер дағал хашак, 25-30 килограмм концентрат жамғариб бўйишни бош вазифам деб биламан. Қишловни ҳамма қўй-қўзиларни юқори семизлик даражасига етказиш билан кутиб оламан. Совхозимизнинг бошқа чўпон-чўлиқлари ҳам ана шундай яхши ният билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. БЕККИЕВ,
Ниҳон районидаги «Пахтаобод» совхозининг бош чўпони.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида мамлакатимизда ер ости бойликлари национализация қилинди ва халқ мулки бўлиб қолди.

СССРда ер ости бойликлари давлат мулки эканлиги кончилик муносабатлари негизини, яъни ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар негизини ташкил этиб, ер ости бойликларидан планли, рационал тарзда, комплекс фойдаланиш учун шарт-шароит яратади, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари тўғри жойлаштирилишини ҳамда халқ хўжалигининг тараққиёти юксак суръатлар билан боришини таъминлашга имкон беради. Бу нарса айни вактда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

СССР катта-катта фойдали қазилма конларига эга. Шу билан бирга халқ хўжалигида минерал хом ашё истеъмоли мутасил ортиб бораётганлиги фойдали қазилма конларидан илмий асосланган тарзда самарали фойдаланиш аҳамиятини оширади, ҳамма корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлардан ер ости бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишни талаб килади.

Совет давлати мамлакатнинг минерал-хом ашёга бўлган ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжлари таъминланиши ҳамда халк хўжалигининг ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа эҳтиёжлари қондирилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан бирга, келгуси авлодлар учун табиий бойликларни сақлаб қолиш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилмоқда.

Ер ости бойликлари тўғрисидаги совет қонунлари ер ости бойликларидан ғоят рационал фойдаланишга ва уларни қўриқлашга актив ёрдам бермоғи лозим.

I БУЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ер ости бойликлари тўғрисидаги совет қонунларининг вазифалари

Ер ости бойликлари тўғрисидаги совет қонунларининг вазифалари халқ хўжалигининг минерал-хом ашёга бўлган талаблари ва бошқа эҳтиёжлари қондирилмоғи учун ер ости бойликларидан рационал, комплекс равишда фойдаланиш, ер ости бойликларини қўриқлаш, ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғидаги ишлар хавф-хатарсиз бўлишини таъминлаш максадларида кончилик муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда гражданларнинг ҳуқукларини муҳофаза этиш ва шу соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

2-модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлари

СССРда кончилик муносабатлари ушбу Асослар билан ҳамда ССР Иттифокининг шу Асосларга мувофиқ ер ости бойликлари тўғрисида чиқарган бошқа қонун актлари билан, иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлари (кодекслари) ва бошқа қонун актлари билан тартибга солинади.

Ер, сув ва ўрмонларга оид муносабатлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг тегишли қонунлари билан тартибга солинади.

3-модда. СССРда ер ости бойликлари давлат мулки эканлиги

СССР Конституциясига мувофиқ, Совет Социалистик Республикалари Иттифокида ер ости бойликлари давлат мулкидир, яъни умумхалқ бойлигидир.

СССРда ер ости бойликлари фақат давлат мулки бўлиб, фойдаланиш учунгина берилади. Ер ости бойликларига бўлган давлат мулки ҳуқукини ошкора ёки яширин тарзда бузувчи хатти-харакатлар тақиқланади.

4-модда. Ер ости бойликлари ягона давлат фонди эканлиги

СССРдаги ҳамма ер ости бойликлари ягона давлат ер ости фондини ташкил этиб, ер остининг фойдаланилаётган қисми ҳам, фойдаланилмаётган қисми ҳам шу фондга киради.

5-модда. ССР Иттифоқининг кончилик муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги компетенцияси

ССР Иттифоқи кончилик муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагиларни бошқаради:

1) СССР Конституциясига мувофиқ, ССР Иттифоқи ваколатларини амалга ошириш учун зарур миқёсда ер ости бойликлари ягона давлат фондини тасарруф килади;

2) ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш соҳасидаги асосий қоидаларни белгилаб беради ва ягона техника сиёсатини ўрнатади;

3) ер ости бойликларини қўриқлаш ҳамда минерал ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасида умумиттифоқ планларини белгилаб беради;

4) ер ости бойликларидан фойдаланилиши ва уларнинг қўриқланиши устидан, ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг олиб борилиши устидан давлат назорати ва контроллиги олиб боради ҳамда назорат ва контролликни амалга ошириш тартибини белгилаб беради;

5) СССР Конституциясига ва ушбу Асосларга мувофиқ, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш соҳасидаги бошқа масалаларни тартибга солади.

6-модда. Иттифоқдош республикаларнинг кончилик муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги компетенцияси

Иттифоқдош республика, ССР Иттифоқи компетенциясидан ташқари, кончилик муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагиларни бошқаради: республика территорияси миқёсида ер ости бойликлари ягона давлат фондини тасарруф қилади; ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш тартибини белгилаб беради; ер ости бойликларини қўриклаш ва минерал ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасида республика планларини белгилаб беради; ер ости бойликларидан фойдаланилиши ва уларнинг қўриқланиши устидан ҳамда ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг олиб борилиши устидан давлат назорати ва контроллигини амалга оширади, шунингдек ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш соҳасида ССР Иттифоқи компетенциясига киритилмаган бошқа масалаларни тартибга солади.

7-модда. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш соҳасида давлат бошқаруви

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш соҳасида давлат бошқарувини СССР Министрлар Совети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, шунингдек махсус ваколат берилган давлат органлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда амалга оширадилар.

8-модда. Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар

Ер ости бойликларидан СССРнинг давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, ташкилотлари, муассасалари, шунингдек гражданлари фойдалана оладилар.

ССР Иттифоқи қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, ер ости бойликлари бошқа ташкилотлар ва шахсларнинг фойдаланиши учун берилиши мумкин.

9-модда. Ер остидан фойдаланиш турлари

Ер ости:

геологик жиҳатдан ўрганиш;

фойдали қазилмалар қазиб чиқариш;

фойдали қазилмалар кавлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва уларни ишлатиш учун, шу жумладан нефть, газ ва бошқа моддалар ҳамда материалларни ер остида сақлаш иншоотлари учун, зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқитларини кўмиш, оқинди сувларни ташлаш;

Давлат ва жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишга берилади.

Ер ости текин фойдаланиш учун бериб қўйилади, лекин СССР Министрлар Совети белгилаб қўйган ҳоллар бундан мустаснодир.

10-модда. Ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш учун бериш

Ер ости геологик жиҳатдан ўрганиш, яъни ер остининг геологик тузилиши тўғрисидаги ва унда содир бўлувчи процесслар ҳақидаги маълумотларни олиш, фойдали қазилма ётган жойларни топиш ва уларнинг миқдорини чамалаш, фойдали қазилмаларнинг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш, фойдали қазилма чиқаришнинг кончилик — техника шартлари ва бошқа шартларини аниқлаш ҳамда ер остидан фойдали қазилма кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда махсус ваколати бўлган давлат органлари берадиган рухсатномалар асосида берилади.

11-модда. Ер остини фойдали қазилма кавлаб олиш учун бериш

Ер ости кон майдони мавжудлигини тасдиқловчи акт асосида фойдали қазилма қазиб чиқариш учун берилади.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ажратилган кон майдонлари (кенг тарқалган фойдали қазилма конларидан ташқари) давлат кончилик назорати органлари томонидан ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда берилади.

Кенг тарқалган фойдали қазилма бойликларини кавлаб олиш учун ажратилган кон майдонлари меҳнаткашлар депутатлари район (шаҳар) Советларининг ижроия комитетлари томонидан берилади ва бу жойлар давлат кончилик назорати органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Фойдали қазилма бойликларини кенг тарқалган қазилма бойликлари қаторига ўтказиш ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда давлат кончилик назорати органлари томонидан амалга оширилади.

Кончилик учун ажратилган майдондан ташқарида фойдали қазилма конларини кавлаш тақиқланади.

Фойдали қазилма кони ёки унинг бир қисмидан тажриба — саноат қўламида фойдаланиш, шунингдек торф ва ер ости чучук сувн чиқариб олиш кон майдони махсус ажратиб олинмаган ҳолда, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларинг қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар ўз хўжалик ва майший эҳтиёжлари учун керак бўлган кенг тарқалган фойдали қазилмаларни, торф ва ер ости чучук сувини олиш максадида ер остидан кон майдони махсус ажратиб олинмаган ҳолда иттифоқдош республикаларинг қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12-модда. Ер остини фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун бериш

Ер остида иншоотлар қуриш ва улардан фойдаланиш ҳамда фойдали қазилма кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ер ости ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда берилади. Ер ости фақат истисно тариқасида ҳамда махсус талаб ва шартларга риоя қилинган ҳоллардагина зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқитларини кўмиш, оқинди сувларни ташлаш учун берилиши мумкин.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар ер остидан фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган хўжалик-маиший эҳтиёжлари учун иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ўзларига ажратилган ер участкаси доирасида фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

13-модда. Ер остидан фойдаланиш муддатлари

Ер ости муддатсиз ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади.

Муддатсиз (абадий) фойдаланиш учун бериладиган ер остидан фойдаланиш муддати олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади.

Вақтинча фойдаланиладиган ер ости кўпи билан ўн йил муддатга берилади. Зарурат туғилганида ер остидан вақтинча фойдаланиш муддати узайтирилиши мумкин.

14-модда. Ер остидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ер остидан фойдаланувчилар ер ости уларга қандай мақсадда берилган бўлса, ундан шу мақсадда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар ва шундай фойдаланишлари шарт.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, ер остидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари давлат манфаатларини, шунингдек ер остидан бошқа фойдаланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб чеклаб қўйилиши мумкин.

Ер остидан фойдаланувчилар:

1) ер остини геологик жиҳатдан тўла ўрганиб чиқиш, шунингдек ундан рационал ва комплекс фойдаланиш ҳамда ер ости қўриқланиши ишларини;

2) ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлар ходимлар ва аҳоли учун хавф-хатарсиз олиб борилишини;

3) атмосфера ҳавоси, ер, сув, ўрмонлар ва атроф табиий муҳитдаги бошқа объектлар, шунингдек биноолар ва иншоотлар ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан сақланишини;

4) заповедник (қўриқхона)лар, шунингдек табиат ва маданият ёдгорликлари ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан сақланишини;

5) ер остидан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкалари хавф-хатарсиз ҳолатга, шунингдек улардан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ халқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирилишини таъминлашлари шарт.

15- модда. Ер остидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниш асослари ва тартиби

Ер остидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда батамом ёки қисман бекор қилинади:

1) ер остидан фойдаланиш эҳтиёжи қолмаганида;

2) ер остидан фойдаланиш учун белгиланган муддат тугаганида;

3) ер ости участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш зарурати туғилганида;

4) ер ости фойдаланиш учун берилган корхона, ташкилот, муассаса тугатилганида;

5) аҳолининг сиҳат-саломатлиги учун очиқдан-очиқ хавф-хатар пайдо бўлганда.

Ер остидан фойдаланувчи:

икки йил мобайнида ер остидан фойдаланишга киришмаса;

ер остидан у қандай мақсад учун берилган бўлса, ўша мақсадда фойдаланмаган тақдирда;

ер остидан фойдаланиш ва уни кўриқлашга оид бошқа қоидаларни бузса, ер остидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин.

Ушбу моддання биринчи қисмидаги 1, 3, 4 ва 5- бандларда ва иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда, ер остидан фойдаланиш ҳуқуқи кон майдони ажратиб бериш акти ёки рухсатномасини берган тегишли органлар томонидан бекор қилинади.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар қазилма кавлаб олиш тартиби ва шартларини бузган ҳоллларда, улар ўзларига берилган ер участкалари қўламида кенг тарқалган фойдали қазилмалар, торф ва ер ости чучук сувини қазиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этилишлари мумкин.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларинг қонунларида ер остидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

II БУЛИМ

ЕР ОСТИНИ ГЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИШ

16- модда. Ер остини геологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий талаблари

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар:

1) ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари рационал, илмий асосланган йўналишда ва самарали бўлишини;

2) ер ости тўлиқ ва геологик жиҳатдан тўла-тўкис ўрганилишини, разведка қилинган конларни кавлашнинг кончилик-техника, гидрогеологик ва бошқа шартлари бажо келтирилишини, фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишни;

3) асосий қазилма ҳамда у билан бирга ётувчи қўшимча фойдали қазилмалар ва уларнинг таркибидаги бошқа моддалар запасларининг миқдори ва сифати аниқ белгиланишини, фойдали қазилма конларини геологик-иқтисодий жиҳатдан баҳолаб чиқишни;

4) ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари фойдали қазилмалар бехуда нобуд бўлиши ва сифати пасайишига барҳам берувчи методлар ва усуллар билан олиб борилишини;

5) ер остидан қазиб чиқарилувчи тоғ жинслари ва фойдали қазилмаларни атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайдиган қилиб жойлаштиришни;

6) разведка мақсадида қазилган кон йўллари ва пармаланган қудуқлар келгусида кон қазиш ва халқ хўжалигининг бошқа мақсадларида фойдаланилиши мумкинлигини кўзда тутиб, уларнинг сақланишини ҳамда ортиқ фойдаланилмайдиган кон йўллари ва қудуқларни белгиланган тартибда кўмиб ташлашни;

7) ер остини келгусида ўрганишда, фойдали қазилма конларини разведка қилиш ва уларни кавлашда, шунингдек ер остидан фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолларда фойдаланилиши мумкин бўлган геологик ва техникавий-ижро ҳужжатлари, тоғ жинслари ва рудаларнинг намуналари, керн (ер бағридан тик кесиб олинган намуна), фойдали қазилма проба дубликатларининг сақланишини таъминлашлари шарт.

17-модда. Ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат рўйхати ва давлат учёти

Ер остини ўрганиш натижаларини умумлаштириш ҳамда шу натижалардан максимал фойдаланиш, шунингдек бу ишларни такрорий бажаришга йўл қўймаслик мақсадида ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш борасидаги ишлар давлат рўйхати ва давлат учётидан ўтказилиши лозим.

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат рўйхати ва давлат учёти ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини давлат рўйхатига олмай туриб бажариш тақиқланади.

18-модда. Минерал хом ашё кондициялари

Коннинг саноат учун фойдали қиймати аниқлаш ва ундаги фойдали қазилма запасларини ҳисоблаб чиқиш учун ҳар бир кон бўйича минерал хом ашё кондициялари белгиланади. Бу кондициялар фойдали қазилмалар сифатида, кончилик-геологик шароитлари ва бошқа шароитларга қўйиладиган иқтисодий жиҳатдан асосланган талаблар йиғиндисидан иборат бўлади.

Минерал хом ашё кондициялари асосий қазилма ва у билан бирга ётувчи фойдали қазилмалардан, шунингдек ана шу қазилмалар билан бирга чиқувчи қимматли компонентлардан фойдаланиш ҳисобига олинган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

19-модда. Разведка қилинган фойдали қазилма конларини саноатда ўзлаштириш учун топшириш

Разведка қилиниб, қазилма бойликлари запаси аниқлаб тасдиқланган фойдали қазилма конлари ёки шу конларнинг участкалари саноатда ўзлаштириш учун фойдали қазилма конларини кавлашга рақбарлик қилувчи министрликлар ва идораларга топширилиши лозим.

Разведка қилинган фойдали қазилма конларини (кенг тарқалган фойдали қазилма конларидан ташқари) саноатда ўзлаштириш учун топшириш тартиби ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган, кенг тарқалган фойдали қазилма бойликларини топшириш эса иттифоқдош республикалар қонунлари билан белгиланади.

20-модда. Фойдали қазилма конларининг кашфиётчилари

Илгари маълум бўлмаган, саноат аҳамиятига молик конни, шунингдек илгари маълум бўлган конда унинг саноат аҳамиятини анча оширувчи қўшимча фойдали қазилма запасларини ёки янги минерал хом ашёни топган кишилар кашфиётчилар деб эътироф этилади.

Кашфиётчилар мукофотланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кашфиётчиларнинг ҳуқуқлари ва уларга мукофот бериш тартиби ССР Иттифоқи қонунлари билан белгиланади.

III БУЛИМ

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР КАВЛАБ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КОНЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ, ШУНИНГДЕК ЕР ОСТИ ИНШООТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ

21-модда. Фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган кончилик корхоналари, шунингдек ер ости иншоотларини лойиҳалаш хусусиятлари

Фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган кончилик корхоналари ва ер ости иншоотлари эҳтиёмол тутилган қурилиш участкасида иқтисодий районни комплекс ривожлантириш ҳисобига олинган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартиба тасдиқланади.

Кончилик корхоналари фойдали қазилма запаслар борлиги тасдиқланганидан ва кон саноатда ўзлаштиришга берилгандан кейингина лойиҳаланади. Истисно тариқасида, СССР Министрлар Советининг рухсати билан кончилик корхоналари фойдали қазилма запаслари борлиги тасдиқлангунга қадар ҳам лойиҳаланиши мумкин.

Фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган кончилик корхоналари ёки ер ости иншоотларини жойлаштириш ўрни лойиҳа ишлари бошлангунга қадар меҳнаткашлар депутатлари тегишли Советларининг ижроия ва фармойиш берувчи органлари билан, давлат кончилик назорати органлари ва бошқа манфаатдор органлар билан келишиб олинади.

22-модда. Фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган кончилик корхоналари, шунингдек ер ости иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топширишнинг асосий талаблари

Кончилик корхоналари лойиҳаларида:

1) фойдали қазилма конларида кончилик корхоналарининг ер усти ва ер ости иншоотларини фойдали қазилма запасларидан мумкин қадар рационал ва самарали фойдаланишни таъминлайдиган қилиб жойлаштириш;

2) ер остидан асосий фойдали қазилма ҳамда у билан бирга ётган фойдали қазилмаларнинг мумкин қадар тўла, комплекс равишда ва иқтисодий жиҳатдан мақбул тарзда чиқариб олинишини, шунингдек уларнинг таркибидаги саноат аҳамиятига эга бўлган компонентлардан фойдаланишни таъминловчи фойдали қазилма конларини очиш усуллари ва кавлаб олиш системалари ҳамда минерал хом ашёни қайта ишлаш (тайёрлаш)нинг технологик схемалари;

3) фойдали қазилма конлари кавланганда кон устидаги жинслардан рационал равишда фойдаланиш;

4) асосий фойдали қазилмалар билан қўшилиб чиқувчи ва вақтинча ишлатилмайдиган фойдали қазилмаларни, шунингдек ишлаб чиқаришдан чиқувчи фойдали компонентлари бор чиқитларни тўплаш ва сақлаш;

5) кончилик корхоналарини қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида очиладиган ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда геологик ва маркшейдерлик ҳужжатларини тузиш;

6) аҳолининг хавф-хатарсиз бўлишини, ер ости бойликлари ва атроф табиий муҳитдаги бошқа объектлар, иморатлар ва иншоотлар қўриқланишини таъминловчи чоралар кўзда тутилмоғи лозим.

Кончилик корхоналарини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топширишда ушбу асосларнинг 14-моддасида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши ҳам таъминланмоғи лозим.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топширишда ушбу модданинг 3-6-бандларида, ушбу Асослар учинчи қисми 14-моддасининг тегишли 1-5-бандларида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши таъминланмоғи лозим.

Фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган кончилик кор хоналари, шунингдек ер ости иншоотларини лойиҳалаш чоғида ушбу моддада кўзда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда уларни қуриш, реконструкция қилиш ва фойдаланишга топшириш тақиқланади.

IV БУЛИМ

ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИНИ ИШГА СОЛИШ ВА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР КАВЛАБ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ

23-модда. Фойдали қазилма конларини ишга солиш тартиби

Фойдали қазилма конлари кончилик корхоналарининг тасдиқланган лойиҳаларига, шунингдек кончилик ишларини ривожлантириш планларига, нефть, газ ва ер ости суви конларини ишга солиш лойиҳалари ва схемаларига ҳамда уларидан техникавий усулда фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ишга солинади.

Кончилик корхоналаридан техникавий усулда фойдаланиш қоидалари, нефть ва газ конларини ишга солиш қоидалари ҳамда кончилик ишларини ривожлантириш планлари давлат кончилик назорати органлари билан келишиб олган ҳолда тегишли органлар томонидан тасдиқланади.

24-модда. Фойдали қазилма конларини ишга солишнинг асосий талаблари

Фойдали қазилма конларини ишга солишда қуйидагилар таъминланмоғи лозим:

1) асосий қазилма ва у билан бирга ётувчи бошқа фойдали қазилмаларни энг рационал ва самарали қазиб олиш усулларини қўлланиш ҳамда уларнинг таркибидаги саноат аҳамиятига эга бўлган компонентларни ажратиб олиш, фойдали қазилмаларнинг нормадан ортиқча нобуд бўлишига ва яроқсиз жинс билан аралашиб, ёмонлашиб қолишига, шунингдек сермаъдан фойдали қазилма участкаларини танлаб-танлаб қазиш натижасида қазилма бойликларнинг баланс запаслари асоссиз равишда камайиб кетишига йўл қўймаслик;

2) фойдали қазилма конларини қидириш ишлари ва бошқа геологик ишларни поёнига етказиш, маркшейдерлик ишларини ўтказиш, шунингдек кўзда тутилган техника ҳужжатларини юритиш;

3) фойдали қазилма запасларининг ҳолати ва ишлатилишини, нобудгарчилигини ва яроқсиз жинсларга қанчалик аралашганлигини ҳисобга олиб бориш;

4) қазиб олинаётган ва унга қўшни бўлган фойдали қазилма конларининг кончилик ишлари олиб бориш натижасида бузилишига йўл қўймаслик, шунингдек ер остида консервация қилиб қўйилувчи фойдали қазилма запасларни сақлаш;

5) асосий қазилма билан бирга чиқувчи ва вақтинча ишлатилмаётган фойдали қазилмаларни, шунингдек таркибида фойдали моддалари бўлган ишлаб чиқариш чиқитларини сақлаш ва ҳисобга олиб бориш;

6) кавлашда чиқувчи тоғ жинси ва ишлаб чиқариш чиқитларидан рационал фойдаланиш, шунингдек уларни тўғри жойлаштириш;

7) ходимлар ва аҳолининг хавф-хатарсизлиги, ер ости бойликлари ва атроф табиий муҳитнинг бошқа объектлари, иморатлар ва иншоотларни қўриқлаш; авариялари йўқ қилиш планларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

25-модда. Кончилик корхоналарини тугатиш ва консервация қилиш

Фойдали қазилма запаслари олиниб бўлгач, шунингдек техникавий-иқтисодий ҳисоблар ва бошқа асосларга биноан конни ёки унинг бир қисмини бундан кейин кавлаш мақбул эмас ёки мумкин эмас деб топилган ҳолларда, конни қазиётган кончилик корхонаси ёки шу корхонанинг тегишли кисми тугатилади ёхуд консервация килиб қўйилади.

Кончилик корхонаси тўла ёки қисман тугатилганда, ёхуд консервация қилиб қўйилганида кондаги йўллар ва парма-ланган қудуқлар аҳоли хавфсизлигини ва атроф табиий муҳит, иморатлар ва иншоотлар муҳофаза этилишини таъминловчи ҳолатга келтирилмоғи, бу корхона консервация қилинганида эса, шунингдек бутун консервация даврида кон, унинг ичидаги йўллар ва парма-ланган қудуқлар сақланишини таъминловчи ҳолатга келтирилмоғи лозим. Кончилик корхонаси тугатилганда кон қазилган жойлардан ва парма қудуқларидан халқ хўжалигининг бошқа мақсадларида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилмоғи зарур.

Кончилик корхонаси ёки унинг бир қисми тугатилганида ва консервация қилинганида геологик ва маркшейдерлик ҳужжатлари кончилик ишлари тугатилиш давригача бўлган бутун вақт учун тўлдирилади ва белгиланган тартибда сақлаш учун топширилади.

Тугатилувчи ёки консервация қилинувчи корхона билан ёндош бўлган кончилик корхоналарида кончилик ишлари хавфсизлигини таъминловчи тадбирлар кўрилмоғи лозим.

Кончилик корхонаси ёки унинг бир қисми давлат кончилик назорати органлари ва бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ҳолда тугатилади ва консервация қилинади.

26-модда. Фойдали қазилмаларнинг маъдан изловчилар томонидан қазиб олиниши

Кончилик корхоналари ишлатишни мақбул топмаган фойдали қазилма конлари ёки кон участкаларида фойдали қазилмаларни маъдан изловчиларнинг шахсий меҳнати билан қазиб олишга йўл қўйилади.

Маъдан изловчиларнинг артеллари фойдали қазилмаларни кончилик корхоналарига ажратилган кон майдонларида ва шу корхоналар билан тузилган шартномага биноан қазиб олишлари мумкин, айрим гражданлар эса бу ерда кончилик корхоналари берадиган рухсатнома билан ишлайдилар. Кончилик корхоналарига фойдали қазилмалар маъдан изловчилар томонидан қазиб олинишу устидан контрол қилиб туриш вазифаси юкланади.

Маъдан изловчилар қазиб олишга рухсат этиладиган фойдали қазилмаларнинг рўйхати ҳамда маъдан изловчилар артелининг Типовой уставн СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланади.

27-модда. Ер остидан фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш тартиби

Ер остидан ер ости иншоотлари қуриш ва уларни ишлатиш ҳамда фойдали қазилма кавлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун махсус лойиҳалар бўлиши керак. Бу лойиҳалар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

Лойиҳаларда оқинди сув, зарарли модда, ишлаб чиқариш чиқитлари ҳамда бошқа модда ва материаллар тегишлича зарарсизлантирилишини таъминловчи ёҳуд улар қатъий муайян қўламда чеклаб қўйилиши ва кон ичига, ер юзига, сув объектларига сингиб ўтишини чекловчи чоралар кўзда тутилмоғи лозим.

Ушбу модда талаблари бузилган ҳолларда давлат кончилик назорати органлари ёки давлатнинг шу ишларга махсус ваколати берилган бошқа органлари ер остига оқинди сув ташланишини, зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқитлари кўмилишини, модда ва материаллар ер остида сақланишини чеклашлари, тўхтатиб қўйишлари ёки тақиқлашлари керак.

V БУЛИМ

ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ИШЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

28-модда. Ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни хавф-хатарсиз олиб боришни таъминлаш

Кончилик корхоналарини, шунингдек фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва ишлатишда, геология-разведка ишларини ҳамда ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажаришда ходимлар ва аҳолининг хавфсизлиги таъминланмоғи лозим.

Ер остидан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда хавфсизлик қоидалари ва нормаларга риоя этилишини таъминлаш масъулияти шу корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Улар мазкур корхона, ташкилот ва муассасаларнинг структура бўлинмаларида ана шу хавфсизлик қоидалари ва нормаларига риоя этилишинқ контроль қилиб турувчи кишилар доирасини белгилаб қўндилар.

29-модда. Ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлар хавф-хатарсиз олиб борилишини таъминлашнинг асосий талаблари

Ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни олиб боришда:

1) ходимларнинг ишни хавф-хатарсиз олиб бориш қоидалари ва нормаларини ўрганиб чиқишлари ва амалда бажаришлари, шунингдек аварияларнинг олдини олиш ва йўқотиш юзасидан зарур тадбирлар планлаштирилиши ва ўтказилиши;

2) ходимларнинг ҳаётига хавф-хатар туғилган тақдирда ишни тўхтатиб, кишиларни хатарсиз жойга олиб чиқиш ҳамда хавф-хатарга барҳам бериш учун зарур тадбирларни амалга ошириш;

3) хавфсизлик қоидалари ва санитария нормалари талабларига мос келувчи машина, асбоб-ускуна ва материалларни ишлатиш;

4) портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини ҳисобга олиш, тегишли равишда сақлаш ва сарфлаш, шунингдек улардан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш;

5) хавфсизлик қоидаларида кўзда тутилган техника ҳужжатларини, шу жумладан кончилик ишлари планларини ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш зоналарининг чегаралари ҳамда аварияларни йўқотиш режаларини аниқлаб берувчи маълумотлар билан ўз вақтида тўлдириб бориш лозим.

Ер ости шароитлари алоҳида хавфли бўлган ишларда ишловчи шахсларнинг интизомий Устави ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади.

30-модда. Кончилик ишларини олиб бориш хавфсизлигининг алоҳида талаблари

Кончилик ишларини олиб борувчи министрликлар, идоралар ва уларга қарашли корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасалар кон атмосферасининг состави узлуксиз яхшилаб турилишини, кончилик ишларини олиб бориш технологияси ҳамда коллектив ва индивидуал ҳимоя воситалари такомиллаштириб борилишини кўзда тутувчи ва касб касалликларининг, ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олишга қаратилган махсус комплекс ташкилий-техникавий тадбирларни фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур.

Министрликлар ва идоралар, шунингдек бошқа манфаатдор органлар кончилик ишларида банд бўлган ишчилар ва хизматчиларнинг нормал ҳ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИ

(Бошн иккинчи бетда).

2) иш ўрни ва машина-ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб туришлари ҳамда хавфсизлик қоидалари ва нормалари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уни дарҳол бартараф қилиш чораларини кўришлари;

3) ишлаётганда махсус кийимда бўлишлари ва индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари;

4) авария хавфи ёки бахтсизлик ҳодисасини келтириб чиқариши мумкин бўлган усуллар билан иш бажаришга йўл қўймасликлари;

5) хавф-хатар пайдо бўлганда ишни тўхтатиб, бу ҳақда дарҳол иш раҳбарига хабар беришлари ва аварияларни йўқотиш планига қатъий риоя этган ҳолда ҳаракат қилишлари шарт.

32-модда. Кончиликдаги қутқарув хизмати

Кончилик ишларини олиб борувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга кончиликдаги қутқарув қисмлари, нефть ва газ конларини разведка қилиш ва ишлатиш чоғида пармалаш ишларини олиб борувчиларга эса очиқ газ ва нефть фонтанлари чиқишининг олдини олиш ва уларни ўчириш бўлимлари хизмат кўрсатади. Бу қисмлар ва бўлимларнинг қаерга жойлашиши тегишли министрлик ва идоралар томонидан давлат кончилик назорати органлари билан келишган ҳолда белгилаб берилади.

Кончиликдаги қутқарув қисмлари ҳамда очиқ газ ва нефть фонтанлари чиқишининг олдини олиш ва уларни ўчириш билан шуғулланувчи бўлимлар тўғрисидаги Низомлар СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланади.

Кончилик корхоналарида авария юз берган ҳолларда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, шунингдек қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар транспорт воситалари, материал ва ускуналар, алоқа воситалари ва дори-дармонлар беришлари ҳамда авариялари йўқотишда бошқа хил ёрдам кўрсатишлари зарур.

VI БУЛИМ

ЕР ОСТИНИ ҚУРИҚЛАШ

33-модда. Ер остини қўриқлаш соҳасидаги асосий талаблар

СССРнинг ҳамма ер ости қўриқланиши керак.

Ер остини қўриқлаш соҳасидаги асосий талаблар:

ер ости геологик жиҳатдан тўла ва комплекс равишда ўрганиб чиқилишини таъминлаш;

ер остини фойдаланишга бериш борасида белгиланган тартибга риоя қилиш ва ер остидан ўзбошимчалик билан фойдаланишга йўл қўймаслик;

ер остидан асосий қазилма ва у билан бирга ётган фойдали қазилмалар ҳамда шу қазилмалар таркибидаги компонентларнинг запасларини мумкин қадар тўла чиқариб олиш ва улардан рационал фойдаланиш;

ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлар фойдали қазилма запасларининг сақланишига зарарли таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик;

фойдали қазилма конларини сув босишдан, уларга сув киришдан, ёнишдан ҳамда фойдали қазилмалар сифатини ва коннинг саноатда тутган қийматини пасайтирувчи ёки кон қазишни мураккаблаштирувчи бошқа омиллардан қўриқлаш;

фойдали қазилмалар ётган майдонларга асоссиз равишда ва ўзбошимчалик билан иморатлар қурилишининг олдини олиш ҳамда шундай майдонлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш борасида белгиланган тартибга риоя қилиш;

ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг ишлатилаётган ва консервация қилиб қўйилган кон йўллари ҳамда пармаланган қудуқлар, шунингдек ер ости иншоотларининг сақланишига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш;

нефть, газ ва бошқа моддалар ҳамда материалларни ер остида сақлашда зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқитларини кўмишда, оқинди сув ташланганда ер бағри ифлосланишининг олдини олишдан иборатдир.

Ушбу модда талаблари бузилган ҳолларда, давлат кончилик назорати органлари ёки бунинг учун махсус ваколат берилган давлат органлари ер остидан фойдаланишни ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда чеклашлари, тўхтатишлари ёки тақиқлаб қўйишлари мумкин.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида ер остидан фойдаланувчилар учун ер остидан фойдаланишни яхшилаш ва ер ости бойликларини қўриқлашни кучайтириш борасида тегишли тадбирлар амалга оширилишига стимул берувчи моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари белгиланиши мумкин.

34-модда. Фойдали қазилма ётган ерларга иморат қуриш шартлари

Иморат қуриладиган участкининг ер остида фойдали қазилма йўқлиги тўғрисида тегишли территориал геологик ташкилотдан маълумот олинмагунига қадар аҳоли пунктлари, саноат комплекслари ва бошқа халқ хўжалик объектларини лойиҳалаш ва қуриш тақиқланади.

Истисно тариқасида давлат кончилик назорати органлари билан келишиб олиш асосидагина фойдали қазилма ётган (кенг тарқалган фойдали қазилмалар майдонидан ташқари) майдонларда иморат қуриш, шунингдек бундай жойларда фойдали қазилма кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуришга йўл қўйилади. Шу билан бирга, ер остидан фойдали қазилма запасларини кавлаб олиш имкониятини таъминловчи қурилиш тадбирлари ва бошқа хил тадбирлар кўзда тутилмоғи ва амалга оширилмоғи лозим.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар ётган майдонларда иморат қуришга, шунингдек бундай қазилмалар ётган жойларда фойдали қазилма кавлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари жойлаштирилишига иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

35-модда. Алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга бўлган ер ости участкаларини қўриқлаш

Алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга бўлган ноёб геологик очиқ жойлар, минералогик объектлар, палеонтологик объектлар ва ер остининг бошқа участкалари белгиланган тартибда қўриқхона деб эълон қилиниши ёки табиат, ёҳуд маданият ёдгорликлари деб аталиши мумкин. Ана шу қўриқхоналар ва ёдгорликларнинг яхши сақланишига путур етказувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Ер остидан фойдаланаётганда фан ва маданият учун аҳамиятли бўлган ноёб геологик ва минералогик объектлар, метеоритлар, палеонтологик, археологик ва бошқа объектлар чиқиб қолган ҳолларда ер остидан фойдаланувчилар тегишли участкадаги ишларни тўхтатиб, бу ҳақда давлатнинг манфаатдор органларига маълум қилишлари шарт.

36-модда. Ер остини қўриқлаш ва ундан рационал фойдаланиш борасидаги тадбирларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари ва гражданларнинг қатнашуви

Касаба союзлари, ёшлар ташкилотлари, табиатни қўриқлаш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат ташкилотлари, шунингдек гражданлар ер остини қўриқлаш ва ундан рационал фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига ёрдам берадилар.

Жамоат ташкилотлари ер остини қўриқлаш ва ундан рационал фойдаланиш борасидаги фаолиятда ўз уставларига (низомларига) ва ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ қатнашадилар.

Давлат органлари ер остини қўриқлаш ва ундан рационал фойдаланиш борасидаги тадбирларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари ва гражданларнинг таклифларини ҳар томонлама назарда тутишлари шарт.

VII БУЛИМ

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА ЗАПАСЛАРИ ВА КОНЛАРИНИНГ, ШУНИНГДЕК ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КАВЛАБ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ИШЛАР УЧУН ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИЛГАН ЕР ОСТИ УЧАСТКАЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲИСОБИ

37-модда. Фойдали қазилма запаслари ва конларининг давлат ҳисоби

Фойдали қазилма запаслари ва конлари, шунингдек фойдали қазилма чиққан жойлар ССР Иттифоқи учун ягона система бўйича давлат йўли билан ҳисобга олиниши лозим.

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари планлаштирилишини таъминлаш ҳамда кончилик саноати корхоналарини жойлаштириш, фойдали қазилмалар ва уларнинг конларидан рационал ҳамда комплекс равишда фойдаланиш, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа вазифаларини ҳал этиш учун фойдали қазилма конларининг давлат кадастри юритилади ва фойдали қазилма запасларининг давлат балансларини тузилади.

38-модда. Фойдали қазилма конларининг давлат кадастри

Фойдали қазилма конларининг давлат кадастрида ҳар бир кон бўйича асосий қазилма ва у билан бирга ётувчи бошқа фойдали қазилмаларнинг ҳамда улар таркибида бўлган компонентларнинг миқдори ва сифатини аниқлаб берувчи маълумотлар, конни ишга солишга оид кончилик-техника, гидрогеология шароитлари ва бошқа шарт-шароитлар ҳамда конни геологик-иқтисодий жиҳатдан чамалаш маълумотлари, шунингдек фойдали қазилма ётган ҳар бир жой юзасидан тегишли маълумотлар бўлиши керак.

39-модда. Фойдали қазилма запасларининг давлат балансларини

Фойдали қазилма запасларининг давлат балансларида саноат аҳамиятига эга бўлган конлар бўйича фойдали қазилма запасларининг миқдори, сифати ва қанчалик ўрганилиб чиқилганлиги тўғрисидаги, фойдали қазилмаларнинг жойлашиши, саноат йўли билан ўзлаштирилганлик даражаси, қанча қазиб чиқарилаётганлиги, қанча нобуд бўлиши ҳамда саноатнинг қидириб топилган фойдали қазилма запаслари билан нечоғлик таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

40-модда. Фойдали қазилма запасларини тасдиқлаш

Топилган конларнинг фойдали қазилма запаслари, шунингдек конни кавлаш жараёнида қўшимча равишда топилган фойдали қазилма запаслари шу ишларга махсус ваколати бўлган давлат органлари томонидан ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим.

Запасларни тасдиқлаш чоғида қидириб топилган фойдали қазилма запаслари, уларнинг миқдори ва сифати, қай шароитда ётганлиги, қанчалик ўрганилганлиги халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳамда коннинг саноат йўли билан ўзлаштириш учун нечоғлик тайёрланганлиги аниқлаб олинади.

41- модда. Фойдали қазилма баланс запасларини ҳисобдан чиқариш

Кавланиб олинган фойдали қазилмалар, шунингдек саноат учун аҳамиятини йўқотган, қазиб олиш жараёнида йўқолиб кетган, кейинги геологик разведка ишларида ёки кон кавланаётганида тасдиқланмаган фойдали қазилма запаслари ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда давлат фойдали қазилма бойликлари балансидан чиқарилиши керак.

Саноат учун аҳамиятини йўқотган, қазиб олиш жараёнида йўқолиб кетган ёки кейинги геологик разведка ишларида ёҳуд кон кавланаётганида тасдиқланмаган фойдали қазилма запаслари давлат кончилик назорати органлари билан келишиб олган ҳолда кончилик корхонаси балансидан чиқарилади.

42- модда. Фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда берилган ер ости участкаларининг давлат ҳисоби

Фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш, уларни ишлатиш ва бошқа мақсадлар учун берилган ер ости участкалари ССР Иттифоқи учун ягона система бўйича давлат ҳисобига олиниши лозим.

VIII БУЛИМ

ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ҚУРИҚЛАШ ҲАМДА ЕР ОСТИНИ ГЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ҮСТИДАН НАЗОРАТ ВА КОНТРОЛЬ

43- модда. Ер остидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш ҳамда ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш борасидаги ишларни олиб бориш устидан давлат назорати ва контроллиги вазифалари

Ер остидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш устидан давлат назорати ва контроли барча министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, муассасалар ҳамда гражданлар ер остидан фойдаланиш борасида белгиланган тартибга риоя этишларини, ер остини қўриқлаш, ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш, бундай ишларнинг аҳолига, атроф табиий муҳитга, бинолар ва иморатларга зарарли таъсир ўтказишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасидаги вазифалар, фойдали қазилма запаслари ва конларини давлат ҳисобига олиб бориш қоидаларига риоя этилишини, шунингдек ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларда белгиланган бошқа хил қоида ва нормалар бажарилишини таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари қандай олиб борилиши устидан давлат контроли, қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш юзасидан суратга олиш ишлари, қидириш, разведка қилиш, гидрогеология, инженерлик-геология, геофизика, геохимия ишлари ҳамда шунга оид бошқа ишларни белгиланган тартибда ва самарали олиб боришларини таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

44- модда. Ер остидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш ҳамда ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилиши устидан давлат назорати ва контролини амалга оширувчи органлар

Ер остидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш устидан давлат назорати (давлат кончилик назоратини ва ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилиши устидан давлат контроли давлат геологик контроли)ни шу ишларга махсус ваколати бўлган давлат органлари амалга оширадилар.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия ҳамда фармойиш берувчи органлари ер остидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш соҳасида давлат контролини ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ амалга оширадилар.

45-модда. Ер остидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш устидан давлат назоратининг амалга оширилиши

Давлат кончилик назорати органлари:

1) фойдали қазилма конлари қанчалик тўғри ишлатилаётганлиги ва ер остини қўриқлаш талаблари қандай бажарилаётганлигини;

2) кончилик корхоналари фойдали қазилма запасларини ҳисобга олиб бориш борасида белгиланган қоидаларга қандай риоя этилишини ҳамда у запаслар ҳисобдан ўз вақтида ва тўғри чиқариб юборилишини;

3) ер остидан фойдаланаётганда ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини;

4) ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан аҳоли хавф-хатарсизлигини таъминлаш, атроф табиий муҳитни, ишлатилаётган ва консервация қилиб қўйилган иморатлар ва иншоотлар, кон йўллари ва пармаланган қудуқларни муҳофаза этиш тадбирлари тўғри ва ўз вақтида ўтказилишини;

5) ер остида сақланаётган нефть, газ ва бошқа моддалар ҳамда материаллар, ер остига ташланувчи оқинди сувдан, ерга кўмилган зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқитлари кон ичига ўтиши ёки ер юзига чиқишига, сув объектларига қўшилишига йўл қўймаслик талабларига риоя этилишини;

6) фойдали қазилма конлари ишлаб турган вақтда геологик ва маркшейдерлик ишларини олиб бориш қоидаларига риоя этилишини текшириб борадилар.

Давлат кончилик назорати органлари: ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш ва ер остини қўриқлаш қоидалари ва нормалари бузилган тақдирда ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни дарҳол тўхтатиш;

ер остидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ва фойдали қазилма ётган майдонларга ўзбошимчалик билан иморат қуришга чек қўйиш;

ер остидан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш ва ер остини қўриқлаш борасидаги қоида ва нормалар бузилишига барҳам бериш тўғрисида ижро этиш учун мажбурий кўрсатмалар бериш;

ер остидан фойдаланиш чоғида юз берган авария ҳоллари ва уларнинг сабабларини ҳамда ишлаб чиқариш травматизми ҳолларини белгиланган тартибда текшириб чиқиш ва текшириш натижалари бўйича тегишли корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат кончилик назорати органлари зиммасига ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш устидан бошқа хил назорат вазифалари юклатилиши ҳамда ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш ва ер ости бойликларини қўриқлаш борасидаги қоида ва нормалар бузилишига йўл қўймаслик ва бундай бузилишларга чек қўйиш юзасидан бошқа ҳуқуқлар ҳам берилиши мумкин.

46-модда. Ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилиши устидан давлат контролини амалга ошириш

Давлат геология контроль органлари ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш йўллари, методикаси, комплекслилиги ва иш сифатини текшириб борадилар.

Давлат геология контроль органлари:

ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини ўтказишда юз берувчи камчилик ва нуқсонларни йўқотиш тўғрисида ижро этиш учун мажбурий кўрсатмалар бериш;

ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ тарзда олиб борилмаса ёки давлат рўйҳатидан ўтказилмай бажарилса, шунингдек ана шу ишларни ўтказиш тартибини белгиловчи қонда ва нормалар бузилса, ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат геологик контроль органларига ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш борасидаги ишларни олиб бориш қоидалари ва нормаларини бузишга йўл қўймаслик ва бундай бузишларга чек қўйиш борасида бошқа ҳуқуқлар ҳам берилиши мумкин.

47-модда. Ер остини фойдаланиш ва уни қўриқлаш устидан ишдорий контроль

Ихтиёрига ер остидан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар қарашли бўлган органлар ер остидан фойдаланиш, ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш борасида белгиланган тартибга риоя этилишини, ер остини қўриқлаш талаблари бажарилишини, асосий қазилма ва у билан бирга ётувчи бошқа фойдали қазилмалар ҳамда уларнинг таркибидаги компонентлар, шу жумладан минерал хом ашё сараланаётганида ва қайта ишланаётганида ана шу фойдали қазилма ва моддалар тўла ажратиб олинишини таъминлаш талаблари, ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлар хавф-хатарсиз олиб борилишини, аҳоли хавф-хатарсизлигини, атроф табиий муҳит, бинолар ва иншоотлар муҳофаза этилишини таъминловчи тадбирлар ўтказилиши, фойдали қазилма запаслари ва конларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя этилишини, шунингдек ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунда белгиланган бошқа қоида ва нормаларга риоя этилишини идоравий контроль қилиб борадилар.

Фойдали қазилма конлари тўғри ишга солинаётганлигини маркшейдерлик, геологик ва бошқа хизматлар контроль қилиб борадилар.

Маркшейдерлик ва геологик хизматлар тўғрисидаги типовой қоидаларни СССР Министрлар Совети тасдиқлайди.

IX БУЛИМ

ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ЧИҚҚАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

48-модда. Низоларни ҳал қилиш тартиби

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар ўртасида ер остидан фойдаланиш масалалари юзасидан чиққан низолар тегишли бўлишига қараб, меҳнаткашлар депутатлари район (шаҳар) Советларининг ижроия комитетлари, давлат кончилик назорати органлари, давлат геология контроль органлари ва шу ишларга ваколати бўлган бошқа давлат органлари томонидан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

X БУЛИМ

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

49-модда. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Ер ости бойликларининг давлат мулки эканлиги ҳуқуқини ошкора ёки яширин тарзда бузувчи битимлар ҳақиқий эмасдир.

Шундай битимлар тузишда айбдор бўлган шахслар, шунингдек:

ер остини ўзбошимчалик билан фойдаланишда;

ер остини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини ўтказиш қоида ва талабларини аниқлаб топилган фойдали қазилма запасларининг нотўғри чамаланишига олиб келган даражада бузишда ёки кончилик корхоналари, шунингдек фойдали қазилма кавлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш шартларини бузишда;

коннинг сермаъдан участкаларини фойдали қазилма баланс запаслари асоссиз равишда нобуд бўлишига сабаб бўлувчи танлаб-танлаб кавлашда, фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида нормадан ошиқча нобуд қилиш ва уларнинг ярқсиз жинсларини аралаштириб юборишда, фойдали қазилма конларига шикаст етказишда ва фойдали қазилма запасларидан рационал фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузишда;

фойдали қазилма ётган майдонларга ўзбошимчалик билан иморат қуришда;

ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш қоидалари ва нормаларини бузишда:

ер остини қўриқлаш қоидаларини, шунингдек атроф табиий муҳитни, иморат ва иншоотларни ер остидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармасликда;

ер ости сувларини қуватиб турувчи режим қудуқларини, шунингдек маркшейдерлик ва геодезик белгиларни йўқ қилиш ёки бузишда;

ер остини бундан кейин геологик жиҳатдан ўрганиш ва конни ишга солишда зарур бўлган маркшейдерлик ёки геологик ҳужжатларни, шунингдек, фойдали қазилма намуналарининг дубликатларини ва керини йўқотиб қўйишда;

тугатилаётган ёки консервация этиладиган кон ва пармалаш қудуқларини аҳолига хавф-хатарсиз ҳолатга келтириш талабларини, шунингдек кон, кон йўллари ва пармаланган қудуқларни консервация даврида яхши сақланиш талабларини бажармасликда айбдор бўлган шахслар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ жиноий, маъмурий ва бошқа жавобгарликка тортиладилар.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бошқача тартибда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилиши мумкин.

Ер остидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ва фойдали қазилма ётган майдонларга ўзбошимчалик билан иморат қуриш ишлари шу ишга сарфланган харажатлар тўланмасдан тўхтатилади.

50-модда. Зарарларни тўлаш

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган зарарларни ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгилаб қўйилган миқдорлар ва тартибда тўлашлари шарт. Корхона, ташкилот ва муассасанинг етказилган зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар қилишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгарликка тортиладилар.

XI БУЛИМ

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ВА БИТИМЛАР

51-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Агар СССР ёки иттифоқдош республика қатнашаётган халқаро шартнома ёки халқаро битимда ССР Иттифоқи ёки иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларида белгиланганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда халқаро шартнома ёки халқаро битим қоидалари қўлланилади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ

ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АМАЛДАГИ СССР ҚОНУНЛАРИГА БАЪЗИ ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТГАН ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

«Томошахоналардан олинадиган солиқни бекор қилиш ҳақида ва кинофильмлар кўрсатишдан тушадиган даромадлардан солиқ олиш ҳақида»ги 1975 йил 4 апрель Фармони;

«СССР савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ташқи савдо арбитраж комиссияси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1975 йил 16 апрель Фармони;

«Совет авторларининг белгиланган тартибда СССРдан ташқарида фойдаланиш учун махсус яратилган асарлар учун чет элларда олинадиган суммалардан даромад солиғи олиш тўғрисида»ги 1975 йил 12 май Фармони;

«ССР Иттифоқининг ҳаво кодексига баъзи ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1975 йил 14 май Фармони;

«ССР гражданларига чет элдан тушадиган ва тўланадиган пул суммаларидан давлат пошлинаси олиш тўғрисида»ги 1975 йил 23 май Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил 9 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР МИНИСТРЛАРИНИ ОЗОД ҚИЛИШ ВА ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

Ўртоқ Евгений Федорович **Кожевниковни** пенсияга чиққанлиги муносабати билан СССР транспорт қурилиши министри вазифасидан озод қилиш ҳақидаги 1975 йил 5 март Фармони;

Ўртоқ Иван Дмитриевич Сосновни СССР транспорт қурилиши министри қилиб тайинлаш ҳақидаги 1975 йил 5 март Фармони;

Ўртоқ Борис Владимирович **Бакинни** СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри қилиб тайинлаш ҳақидаги 1975 йил 22 май Фармони;

Ўртоқ Афанасий Кондратьевич **Мельниченкони** СССР медицина саноати министри қилиб тайинлаш ҳақидаги 1975 йил 22 май Фармони;

Ўртоқ Владимир Федорович **Жигалинни** СССР оғир ва транспорт машинасозлиги министри қилиб тайинлаш ҳақидаги 1975 йил 28 май Фармони;

Ўртоқ Виктор Васильевич **Кротовни** СССР энергетика машинасозлиги министри қилиб тайинлаш ҳақидаги 1975 йил 28 май Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил 9 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Н. Х. АРУТЮНЯННИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Нагуш Хачатурович **Арутюнян** пенсияга чиқиши муносабати билан шахсий илтимосига кўра, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1975 йил, 9 июль.

СОЦИАЛИЗМ ВА ДЎСТЛИК ЙЎЛИ

Социалистик мамлакатлар дўстона оиласининг таркибий қисми бўлган Монголияда Халқ революцияси ғалаба қилганига 54 йил тўлди. Ана шу давр ичида монгол халқи Монголия Халқ революцион партияси раҳбарлигида шонли йўлни босиб ўтди. Ана шу йўл ва Совет — Монголия дўстона алоқалари тўғрисида Совет — Монголия дўстлиги жамияти Узбекистон бўлимининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Юсупов муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

Монгол халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун кураши бизнинг мамлакатимизда XX аср бошларида рўй берган кескин синфий, сиёсий, иктимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғланган эди. Мамлакатимизда Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган дастлабки кунларданоқ ёш Советлар республикаси монгол халқига ёрдам қўлини чўзди. Бу ёрдам ва Октябрь революциясининг тажрибаси ажнабий империализмга ва маҳаллий феодалларнинг зулмига қарши кураш олиб бораётган монгол халқи учун катта аҳамиятга эга эди. Ёш совет республикаси 1919 йилдаёқ Монголия ҳукуматига мурожаат қилиб, чор Россияси тузган ва миллий адолатсизликка асосланган барча шартномалардан воз кечганлигини, Монголияни мустақил суверен давлат деб таниб, у билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Монголияда феодализм ва империализмга қарши озодлик ҳаракати Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг ривожлана бошлади. Миллий озодлик ҳаракатига Сухэ Батор, Чойбалсан ва бошқалар раҳбарлик қилдилар. 1920 йилнинг бошларида Монголиядаги революцион кучларнинг ҳаракатида янги давр бошланди.

1921 йилнинг мартида Монголия халқ революцион партиясининг 1 съезди бўлди. Съезд халқ партиясининг мустаҳкамланиши ва революциянинг юксалиши билан алоқадор бўлган бир катор муҳим масалаларни кўриб чиқди. Шу йили Монголия Халқ революцион армияси мамлакатни феодализм ва империализм зулмидан озод қилиш учун курашга кириши. Уша йилнинг ёзида монгол ҳарбий қисмлари Қизил Армиянинг ёрдамига таяниб, маҳаллий феодалларга, империализмнинг агенти бўлмиш барон Унгерн ҳарбий кучларига кескин зарба бердилар. 1921 йил 10 июнда партия Марказий Комитети сиёсий ҳокимиятни доимий халқ ҳукуматига топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу — революция ғалабасининг ифодаси эди.

Монголия Халқ революцион партияси революция ғалабасининг дастлабки даврларидан бошлаб демократик характердаги қатор ўзгаришлар ўтказди. Феодалларга хос бўлган имтиёзларни бекор қилиш, крепостнойликни тугатиш, ерларни национализация қилиш, маҳаллий ташкилотларнинг фаолиятини янада яхшилаш — шулар жумласидандир. Коммунистик партия, совет давлати монгол халқи билан алоқаларини мустаҳкамлаш учун ҳар доим зарур чораларни кўриб келди. Монголия делегацияси 1921 йил ноябрь ойида Москвада В. И. Ленин билан учрашди. Ленининг нокапиталистик таълимот тўғрисидаги таълимоти Монголия Халқ революцион партиясининг амалий фаолияти учун назарий асос бўлиб хизмат қилди. 1921 йил ноябрь ойида Москва шаҳрида дўстона муносабатлар ўрнатишга бағишланган Монголия—Совет шартномаси имзоланди. 1924 йил август ойида бўлиб ўтган партиянинг III съезди нокапиталистик ривожланишнинг монгол халқи олдида турган асосий вазифаларини кўрсатди. 1924 йил ноябрида бўлиб ўтган биринчи Буюк Халқ Хуралининг йиғилиши Монголияни Халқ республикаси деб эълон қилди.

Ўтмишда диний хурофотботқоғига ботган ўлкада фан ва маданиятнинг дастлабки ўчоқлари барпо этилди. Аҳолининг саводсизлигини тугатиш соҳасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Буларнинг ҳаммаси Монголия Халқ Революцион партияси раҳбарлигида, меҳнаткаш оммаснинг иштирокида, Совет Иттифоқининг берган беғараз ва дўстона ёрдами орқасида амалга оширилди. 1940 йилга келиб, мамлакатни социалистик тараққиёт йўлига тўла ўтказиш учун имкониятлар яратилди.

Ҳозирги кунда монгол халқи қардош социалистик мамлакатларнинг дўстона оиласида, улуғ совет халқи билан ҳамкорликда иқтисодий ва иж-тимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу ютуқлар — социалистик тузумнинг, социалистик мамлакатлар ва уларнинг халқлари ўртасида тенг ҳуқуқликка асосланган дўстона муносабатларнинг ифодасидир. Совет ва монгол халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг юксалишида совет—монгол дўстлиги жамияти катта роль ўйнамоқда. Жамият ва унинг республикалардаги бўлимлари, коллектив аъзолари бу дўстликнинг мустаҳкамланишига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Совет — монгол дўстлиги жамиятининг Узбекистон бўлими бундан бир неча йил муқаддам ташкил этилди. Бўлим Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бошқа областларидаги кўпгина корхоналар, ўқув юртлари ва илмий муассасаларни ўз атрофига бирлаштирган. Бу ташкилотларда Совет — монгол

Янгиликлар Воқеалар Фактлар

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

НУКУС

Йил сайин кўркамлик касб этаётган Қорақалпоғистон Автоном Республикаси пойтахтига Ватанимизнинг турли ерларидан ҳаво лайнерлари қатнови йўлга қўйилди. Ҳозир «ИЛ-18», «ЯК-40», «АН-24», «ИЛ-14» самолётлари минглаб пассажирларга хизмат қилмоқда. Яқинда яна бир ҳаво йўл Нукус — Тошовуз — Тўртқўл — Ашхобод маршрути бўйича «ИЛ-14» самолётлари қатнай бошлади. Янги маршрут бўйича кўрсатилаётган хизматдан пассажирлар мамнун.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ҚЎҚОН

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Машраб Раҳимқулов бошлиқ экскаваторчилар бригадаси 1980 йил меҳнат календарига қўл урди. Бу илғор коллектив бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш учун курашмоқда. «Ферганаводстрой» трестининг Қўқондаги 5-қурилиш-монтаж бошқармасида беш йиллик топшириғини бажариб қўйган бригадалар 20 тага етиб қолди.

Б. НОСИРОВ.

НАМАНГАН

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи-газламалар комбинатига кираверишда ҳиёбон барпо этилмоқда. Бу ерга турли хил анвойи гуллар, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилган. Доҳий В. И. Ленининг ҳайкали салобат тўкиб турибди. Гулзорлар атрофига, йўлкаларга ўринди́клар қўйилган. Кўринарли ерга комбинат илғорларининг портретлари ўрнатилган. Ҳиёбон тўқимачиларнинг дам олиш масканига айланмоқда.

А. РАСУЛОВ.

ФАРҒОНА

Шаҳарнинг Фрунзе ва Ленин кўчалари туташган ерида янги бино қад кўтарди. Бу область ДОСААФ комитети ва радиотехника мактаби учун мўлжалланган беш қаватли бино бўлиб, барча қулайликларга эга. Бинони «Ўзгипросельстрой» лойиҳаси асосида 14-трестнинг 10-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари тиклашди. Маданият уйида эса, янги кўргазма ташкил этилди. Унда фарғоналик ёш рассомлар ва таниқли мўйқалам усталари чизган асарлар намойиш этилмоқда.

Ҳ. ҚАЮМОВ.

АНДИЖОН

«Жанубий Оламушук» нефть кони ўрнидан сизиб чиққан иссиқ сув асосида барпо этилган шифохона йил сайин эътибор қозонмоқда. Шифохонада 12 хонали сув ваннаси, шам билан даволайдиган махсус кабинетлар, электр нури билан даволаш усуллари мавжуд. Шифохонада 40 дан ортиқ малакали врач беморларга хизмат қилмоқда. Даволовчи врачлар Н. Мамажонов, С. Ўринбоева, бош методист С. Туробова, ҳамширалар Ж. Машрабова, Г. Латиповалар кўрсатаётган хизматдан беморлар мамнун.

Ж. ТУРДИЕВ.

САМАРҚАНД

Қадимий шаҳар халқ ҳунармандларининг юзга яқин сополсозлик ишларидан намуналар халқаро кўргазмага юборилади́ган бўлди. Шу йилнинг сентябрида Боюсселда очиладиган мазкур кўргазмада сополсозлар учун алоҳида бўлим ажратилиб, бунда А. Мухторов, Ҳ. Ҳақбердиев, Э. Тўхтамуродов, Ҳ. Раҳимова, А. Музаффаров каби усталарнинг асарларидан намуналар намойиш этилади.

В. ЖУРАЕВ.

Ёз кезлари Арслонбобнинг сўлим гўшалари жуда гавжум бўлиб кетади. Мусаффо ҳаво, кун тиғига қалқон бўлиб, унинг тангадек нурини ҳам ўтказмайдиган ям-яшил дарахтзорлар, асрий қўшиқларни куйлаб, тошдан-тошга урилиб оқувчи сой ва жилғалар, қушларнинг ажиб нағмаси, қўйинг-чи, бутун борлиқ фақат инсон ҳордиқ чиқариши учун яратилгандай. Шу боисдан ҳам фақат Андижон областининг ўзига қарашли бир қанча пионер лагерларининг чодирлари шу оромгоҳда манзил топган. Бу лагерларда турли тўгараклар ишлаб турибди. Суратда: «Ёш табиатшунос» лагерида дам олаётган қизлар концертга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).



«САЛЮТ-4» — «СОЮЗ» — «АПОЛЛОН»

«Салют-4» станцияси учишни бошқариш марказидаги иш бўлмаларидан бирини ҳақиқатда космик экспедицияларнинг бош диспетчерлик пункти деб аташ мумкин. Ҳозир ер атрофи орбиталарида ва олис космосда ишлаётган барча космик аппаратлар билан алоқа сеанслари қоғозда ҳар хил рангдаги қаламлар ва шартли белгилар билан чизиб чиқилган. Ўлчов воситалари ва бошқариш воситалари мамлакатимиз территориясида жойлашган кузатиш-ўлчаш пунктлари, океандаги илмий кемалардан иборат бўлиб, бўлар бир вақтда бир неча космик программа олиб боришга имкон беради.

Космосдан олинувчи шу жуда кўп маълумотларни ишлаб чиқувчи марказнинг ҳисоб машиналари, шунингдек аппаратлар билан алоқа сеансларининг вақтга боглиқ графигини ҳисоблаб чиқарувчи машиналар шу ёз кўп ишлади, дейди команда—ўлчов комплекси хизматининг раҳбари. «Салют-4» орбитал станцияси билан олиб бориладиган ишлар ҳозир бизда биринчи ўринда турибди, албатта. Иккинчи экспедициянинг экипажи — Петр Климук билан Виталий Севастьянов программа тадқиқотларини муваффақиятли давом эттиряптилар ва станция билан узлуксиз алоқани таъминлаш, станция бортидан олинаётган ҳамма маълумотларни ишлаб чиқиш, учишни давом эттириш учун зарур асосий баллистик маълумотларни бериб туриш бизнинг вазифамиз ҳисобланади.

«Салют-4» станцияси билан муносабатларимиз алоҳидадир. Станция космосда ишлаётганига ярим йилдан ошди, барча маълумотларга кўра, учишни давом этириш учун яхши резервларга эга.

Аммо бизнинг бошқа космик эксперименталларимиз ҳам ердаги хизматлар доимо диққат-эътибор билан қараб туришини тақозо этади. «Луна-22» станцияси билан ишлаётганимизга ҳам ярим йилдан ошади. У Ой атрофи орбитасидан ҳамон қимматли маълумотлар юбориб турибди. Яқинда олис космос билан иш графигимизга яна иккита позиция қўшилди — «Венера-9» ва «Венера-10» планеталараро станциялари старт олди.

Команда-ўлчов комплексининг ердаги ва сузувчи ҳамма «цехлари» совет учишни бошқариш маркази билан Америка учишни бошқариш маркази ўртасидаги бир неча машқларда актив қатнашдилар. Орадан бир неча кун ўтгач эксперименттнинг ўзини ўтказадилар. «Салют-4» станцияси билан айни иш қизиган чоғида ўтказилган шу репетициялар совет бошқариш марказлари давлатнинг катта космик тадқиқот программасини ўтказиш билан бир маҳалда қўшимча вазифани ҳам бажаришга — жумладан, биринчи Совет—Америка космик парвозининг бошқариш системасида ҳам ишлаш учун ҳамма имкониятларга эга эканлигини кўрсатди.

«Салют-4» станцияси иккинчи экспедицияси орбитада 7 ҳафтадан бери ишлаяпти. Ҳар куни ердан кўп минг километр олислашиб борувчи икки совет планеталараро станциялари олис марра—Венера планетасига тобора яқинлашмоқда. Космосда илк бор қўл қисишишга тайёргарлик кўраётган «Союз» ва «Аполлон» кемалари экипажлари учун старт олдидан охирги ҳафта ўтмоқда. Совет космик парвозлар марказида «Қайноқ ёз» бошланмоқда.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Учишни бошқариш марказидан.

ОНАЛАР КЛУБИ

Келин одоби, қайнона ҳурмати билан

Уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган оналарни ижтимоий ҳаётга тортиш мақсадида Наманган шаҳридаги «Зарафшон» маҳалласида «Ёш оналар клуби» очилди. Унга 55 дан ортиқ ёш оналар жалб қилинди.

Клубнинг дастлабки машғулотида Наманган шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари М. Халилова, комсомол ветерани Ҳ. Мўминова, ўқитувчи М. Эргашева ва бошқалар «Оилада бола тарбияси», «Келин одоби билан қайнона ҳурмати билан», «Онлани мустаҳкамлашда партия ва совет ташкилотларининг роли ҳақида» каби мавзуларда сўзга чиқдилар.

Машғулот охирида совет оиласининг ибрати тўғрисида ҳужжатли фильм кўрсатилди. Клубда ҳар ойда бир марта машғулот бўлади. Унда таниқли шоир ва ёзувчи, маориф, медицина, маданият ва санъатимизнинг етук кишилари ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
жамоатчи мухбир.

СУВЛАРИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН

ТОШКЕНТДАГИ АНҲОР, АРИҚ СУВЛАРИНИНГ ИФЛОСЛАНИШИГА НИМАЛАР ВА КИМЛАР САБАБЧИ БЎЛМОҚДА

Табиат инсонга инъом этган неъматларнинг энг аъзоси—сув. Сув — ҳаёт манбаи. Тоғ-тоғ пахта хирмонлари, омбор тўла дондун, ширин-шарбат меваларнинг ҳамма-ҳаммаси сув, фақат сув билан. Ундан ҳамма баҳраманд. Шундай экан, сувнинг мусаффо бўлишини таъминлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Эрта тонгда уйғониб, сувга интиламиз. Юзимизни ювамиз. Танамиз яйрайди. Ҳа, сув ҳар қаерда соф ҳаводек зарур, фақат инсонга эмас, бутун ўсимликлар дунёсига, жониворларга сув керак!

Ота-боболаримиз ҳамиша сувни қадрлашган ва унинг беҳад мусаффо бўлишини таъминлашган. Сувни булғатган кишиларга нафратлар ўқишган.

Зар қадрини заргар билади. Сув-зар, сувдан фойдаланувчи инсон эса заргардир. Унинг қадрига етган совет кишилари азим дарёларни, мусаффо кўлларни, зумрад каналларни ҳар доим муҳофаза қилди ва қилмоқда. Улар улкан каналлар, сув омборлари бунёд этишяпти. Омбор эмас, обҳаёт ҳавзалари улар.

Гўзал боғу боғлар ҳиёбонлар оқиб ўтиб, уларга бебаҳо файз ва гўзаллик бахш этаётган катта анҳор ва ариқлардаги сувларни муҳофаза қилиш, сув ўзанларини тартибга келтириш ҳамиша халқимизнинг ҳамда тегишли ташкилотларнинг диққат марказида турибди. Чунончи, Тошкент шаҳридаги Дархон, Оққўрғон, Чонота, Шайхантаҳур, Қиёт, Ялангоч каналларини ремонт қилиш, кенгайтириш ва реконструкциялаш учун 2087 минг сўм сарф қилинди. Бундан ташқари, сув иншоотларини реконструкция қилиш, уларнинг доимо озода туришини таъминлаш максадида 1972 йилдан шу пайтгача Тошкент шаҳридаги Анҳор, Бўржар, Бўзсув, Қайковуз, Салор ва Корасув каналлари бўйларида эски уйларда истиқомат қилувчи 689 хонадон янги замонавий шинам квартираларга кўчирилди. Бу эса мазкур каналлар сувларининг тоза сақланишини маълум даражада яхшилади. Лекин бу иш ҳали тўла охирига етказилганича йўқ. Яна бузилиши керак бўлган 2300 га яқин хонадон ҳамон сув ҳавзалари кўркига, тозалигига путур етказиб келмоқда.

Янгидан барпо этилаётган гўзал Тошкентимизда ажойиб ҳиёбонлар, гулзорлар, бир сўз билан айтганда, кўнгил очар оромгоҳлар барпо қилинди. Шаҳар марказида ва бошқа жойларида қурилган фавворалар пойтахтимиз иқлимини мўътадиллаштирмоқда. Шаҳар билан биргаликда унда яшовчи аҳоли ҳам маданий ва маънавий жиҳатдан кун сайин юксалиб бораётир ҳамда уларнинг эстетик талаблари ҳам ўсаётир.

Бироқ шаҳар меҳнаткашларининг эстетик диди ва маданий савиясига мос бўлмаган нохуш ишлар ҳам содир бўлмоқда. Тўғрисини айтганда, пойтахтнинг турли томонларидан оқиб ўтаётган канал ва анҳорларнинг суви баъзи хонадонлар ҳамда айрим корхона раҳбарларининг айби билан ифлосланти́рилянти. Сув ўзанлари маълум даражада ишдан чиқарилянти. Фактларга мурожаат қиламиз.

Анҳор Тошкент шаҳрининг кўрки, файзидир. Лекин шу Анҳор бўйларида яшаётган баъзи хонадонлар оқар сувни атайлаб ифлослаштиришяпти. Кўпинча улар ошхона, ҳаммом ва молхоналар ҳамда мағзавахоналардан ифлос нарсаларни қувур оқали оқизишяпти. Айрим бефаҳм кишилар сувга булка нон, қолдик овқат, шиша идиш, ҳатто чиқиндиларни оқизишяпти.

Шаҳардаги бир қатор завод ва фабрикалар ҳамда баъзи муассасалар канал ва анҳор бўйларига жойлашган. Анҳор ёқасидаги 2-кўн-галантерея фабрикасини олайлик. И. Дибердиев директорлик қилаётган бу корхона хизматчилари ҳар куни канча-канчалаб чиқиндиларни анҳорга оқизаётганликлари сир эмас. Маъмурият, партком ва касаба союз комитети, маҳаллий раҳбарлар бундан хабардор бўлсаларда, оқар сувнинг ифлосланишига қарши ҳеч қандай чора-тадбир кўлламаётирлар.

Ёки Жарариқ анҳори бўйидаги Муҳокама кўча, 107-уйда яшовчи Ҳикмат Кодиркуловни олайлик. У сув бўйида яшашидан фойдаланиб, доимо мағзава ва ахлатларни анҳорга оқизишни одат қилиб олган. Чаманзор кўча, 88-уйда истиқомат қилувчи Абдурашид Каримов ҳам Кодиркуловдан қолишмайди. Тошкент пассажир станциясида проводник бўлиб ишловчи бу киши ҳам жуда тадбиркор, «ғайратли чиқиб қолди. Каримов боқаётган қўй ва молларининг гўнг ва нишхўрдларини ҳам анҳорга улоқтиради. Чортоқ кўча, 13-уйда яшовчи Г. Габдулбариева ҳам бир неча йилдан бери Чортоқ каналини булғашни ўзига касб қилиб олган.

Оқар сувларни булғаётган бундай шахслар оз дейсизми. З. Бульякова Чортоқ кўчасидаги 54-уйда туради. Бульякова Чортоқ суви ёқасига ҳаммом қуриб олган. Ҳаммомнинг суви бирор ерга сингиб кетар деб ўйларсиз? Асло! Буни у қувур орқали анҳорга оқизаётир. Островский кўчасидаги 63-уйда яшовчи Д. Отамирзаев Ракат анҳори ёқасига душ қуриб олибди-ю, унинг чиқиндисини оқар сувга тўғрилаб қўйибди.

Ф. Федотова — Салор сувини лойқатувчилардан бири. У Черепичний проездидаги 11-уйда истиқомат қилади. Чиқиндиларни ва бошқа кераксиз нарсаларни Салорга улоқтираверади. Шунингдек, Бўржар посёлкаси, 93-уйда истиқомат қилувчи А. Степанов, Шпиловский кўчаси, 75-уйда яшовчи С. Абдужабборов сингарилар ҳам бир-бирларидан қолишмайди. Улар учун тоза сув ҳам, пойка сув ҳам бари бир бўлса керак!

Оқар сувларимизнинг ифлосланишида баъзи корхоналар ҳам маълум даражада ўз «ҳисса»ларини қўшмоқда. Тошкентнинг Вокзал олди кўчасидан ўтган киши Салор анҳорига қувурлар орқали кора мой оқизиладаётганини кўради. Бу мой Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи ҳамда шу корхона яқинидаги бир канча темир йўл корхоналаридан оқизилар экан. Наҳотки, буни мазкур корхона раҳбарлари кўрмаган бўлсалар!

Тошкент иссиқлик электр станцияси ҳар йили куздан март ойигача фақат кўмир билан ишлайди. Корхонада ёқилган кўмир кули Салор каналига оқизилади. Яна бир муҳим гап. Мазкур корхона бир кеча-кундузда Салор каналидан 96 минг кубометр, шаҳар водопровод тармоқларидан 28 минг 800 кубометр, ер ости артезиан қудуқларидан 54 кубометр сув олиб ишлатади. Шунча сувни ифлос қилиб, яна шу Салорга оқизади. Салор каналидан Янгийўл, Чиноз районлари аҳолиси ва хўжаликлари фойдаланишади. ТЭЦ директори В. Шиповнинг айтишига қараганда, корхона 1976 йилгача шу тартибда ишлар эмиш. Кейин бирор чорасини кўришармиш!

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида (директори Ҳайдаров) ҳам шундай қилинмоқда. Мазкур корхона бир кеча-кундузда ишлаб чиқаришга Бўзсув каналидан 6 минг кубометр, хўжалик ишлари учун ер ости сувларидан 5700 кубометр олади. Шундан бир қисмини шаҳар сув тозалаш иншооти ёнидан оқизиб, Оржоникидзе райони суғориш каналларига туширилади. Қолгани эса шаҳар сув тозалаш иншооти орқали Чирчиқ дарёсига бориб қўшилади. Барибир, дарё суви маълум даражада ифлосланмоқда. Қилинган анализлар ва текширишлар буни тўла тасдиқлайди. Масалан, 1975 йилнинг 9 июнида Чирчиқ-Ангрен сув ҳавзалари инспекцияси химия лабораториясидаги ходимлари қилган анализлардан маълум бўлишича, сувда аммоний тузлари нормада белгиланганидан беш марта ошиб кетган. Шунингдек, сувга ташланган нефть қолдиқлари кўпайиб кетган. Лозим бўлган жойларга сув ўлчагичлар қўйиб, кузатиб борилганида эди, бунчалик сувнинг ифлосланишига йўл қўйилмаган бўларди.

Корхона бош инженери Н. Сергеевнинг айтишича, бу каби ҳолга 1976-1980 йилларга бориб барҳам берилармиш. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, жумбоқларни тезроқ ҳал қилиш чорасини кўриш керак.

Пойтахтимиздаги Абразив-олмос комбинати ҳам бир кеча-кундузда ер ости сувларидан 3500 кубометр олади. Шундан 2800 кубометри саноатга, 700 кубометри хўжаликка ишлатилади. Ишлатилган сув чала тозаланганича Салорга ташланади. Химия лабораториясининг анализларига кўра, иншоотдан чиққан сувда зararли моддалар нормадан анча ортиқ. Бу ҳақда сув ҳавзалари инспекцияси комбинат раҳбарларига сувни тозалаб оқизиш тўғрисида бир неча бор ёзма равишда маълум қилди. Лекин бунинг чора-тадбирлари ҳамон белгиланмади.

Бундай нохуш ҳолларни Тошкент 1-уйсозлик комбинати, 185-ўрта мактаб, Ильич номли завод ва бошқа бир қатор корхоналар территорияларидаги канал ва ариқларда ҳам кўриш мумкин.

Хуллас, бу масалада жуда катта камчилик ва нуқсонлар бор. Халқ мулки бўлган оқар сувларимиз ҳамиша мусаффо бўлиши керак. Бу муҳим масалага Тошкент шаҳар ижроия комитети ва унинг маҳаллий органлари жиддий эътибор беришлари, мусаффо сувларимизни ифлослантираётган шахсларни тийиб қўйишлари лозим.

Я. ГРАБИНА, Тошкент шаҳар санитария-эпидемия станцияси санитар-врачи, М. ТАХАЛОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси қоровуллик бўлимининг карантин хизмати командири, Э. УМИРОВ, Тошкент область суғориш системалари бошқармаси ҳавзалар инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи, У. ЮСУПОВ, А. АҲМЕДОВ, Р. ИСҲОҚОВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

АДАБИЙ КАЛЕНДАРЬ

АРМАН ТЕАТРИНИНГ ОТАСИ

Г. СУНДУКЯН ТУҒИЛГАН КУНГА 150 ЙИЛ ТЎЛДИ

Габриэль Сундукян (1825—1912) ҳаётлигидаёқ «Арман Островский»си деган ном қозонган эди. Бу бежиз эмасди. Негаки, А. Островский рус драматургияси ва театр маданиятининг туғилиши ҳамда шаклланишида қандай карвонбошилик ролини ўйнаган бўлса, Габриэль Сундукян ҳам арман театри ва драматургияси тарихида худди шундай юксак ўрин тутади.

У арман реалистик драматургиясининг асосчиси, миллий шарқий арман театрининг тамал тошини қўйган санъаткордир. Сундукян Тбилиси шаҳрида савдогар оиласида дунёга келган. У 1850 йилда Петербург университетини шарқ тиллари кандидати деган унвон билан тугаллади.

Сундукяннинг адабиётдаги дастлабки одимлари Шарқий арман (рус-арман) театрининг туғилиши билан бир пайтга тўғри келди. Унинг ўзи ҳам ижодни саҳна асарлари ёзишдан бошлади, бу ишга умрини бағишлади ва драматург сифатида ўлмас шуҳрат топди.

Арманистонда Сундукянгача ҳам театр ва драматургия бор эди. Карниянинг сохта тарихий, миллий-романтик трагедиялари, Э. Тер-Григорян, Патканян, Пухикянларнинг олди-қочди водевиллари театр саҳнасини буткул эгаллаб олган эди. Сундукяннинг арман халқи олдидаги улуг хизмати шуки, у чинакам халқ ҳаётини комедияларда ва драматик асарларда ҳаққоний, реалистик акс эттирди.

У 1863 йилда «Тунда аксириш—яхшилик аломати» номли бир кўринишли комедия ёзди. Бу ўша давр арман комедиялари ва водевилларидан унчалик фарқ қилмасада, лекин унда драматургнинг ўзига хос маҳорати ва катта маданияти кўзга ташланиб турарди. Бир йилдан кейин Сундукян «Можаро» номли икки кўринишли комедия яратди. Кейинчалик уни тўлдан қайта ишлаб тўрт кўринишли пьесага айлантирди. Шундан кейин унинг «Оскан Петрович у дунёда», «Яна бир қурбон» каби пьесалари кетма-кет эълон қилинди. Ниҳоят, Сундукян 1870 йилда ўзининг энг зўр асари — «Пэпо»ни ёзиб тугаллади. Моҳият эътибор билан чуқур социал драма бўлган бу асар Сундукянни ўз замонасининг машҳур драматурглари қаторига қўйди. «Пэпо» рус тилида кўп марта қайта-қайта нашр этилган. Бу асар грузин, озарбайжон тилларига ҳам таржима қилиниб, театрларда қўйилди. «Пэпо» асосида Арманистон киностудияси бадиий фильм ҳам яратди. Мазкур драмада Сундукян ўз даврининг воқелигининг асосий проблемаси — ижтимоий тенгсизликни чуқур гавдалантирди.

Сундукян бу машҳур асаридан кейин ҳам «Эр-хотинлар», «Севги ва озодлик» сингари пьесаларини ёзди. Уларда ҳам драматург арман буржуазиясининг ёвуз кирдикорларини психологик аниқ ва тўғри очиб ташлади. Уларда Сундукяннинг сатирик овози янада кучли жарангланди.

Габриэль Сундукян ижоди кўп миллатли СССР халқлари театри маданиятининг ажойиб намуналаридан бўлиб, абадий яшайди.

Х. ЖУМАЕВА,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчиси.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Камалак». 19.00 — Биз ишчи бўламиз. 19.30 — **«Ахборот».** 19.45 — Жаҳонинг машҳур композиторлари. Л. Бетҳовен. 20.30 — Дугоналаримиз ҳаётидан. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Адабий кўрсатув. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Олтин қўллар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.30 — ТОШКЕНТ. 18.30 — МОСКВА. **Эски шахта сири** (5-серия). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Концерт. 20.25 — **Тоғлар қироли ва бошқалар** (бадиий фильм). 22.00 — «Здоровье» (Тошкент). 22.30 — Останкино концерт студияси таклиф этади. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.40 — Телефильм. 21.25 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Қаерда ўқимоқчисиз? 21.55 — Жанговар постда. 22,25 — **Урмон қиссаси** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Есения — САНЬАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Эсавер, шамол — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Туҳмат қурбони — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «НУКУС», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 14.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20,00).

Эҳтиёт бўл, Зузу! — (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), **Туҳмат қурбони; Тонг** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00) — «ҚОЗОҒИСТОН».

Манзил томон кетяпман — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (12.00, 16,00, 18.00, 21.30).

Соколово — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

«Кўк илон» ҳалонати — «ХИВА».

Узбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ **1975—1976** ўқув йили учун ОШПАЗ ВА КОНДИТЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ ГРУППАСИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — ОШПАЗЛАР УЧУН 3 ЙИЛ; КОНДИТЕРЛАР УЧУН 2 ЙИЛ; ОФИЦИАНТЛАР УЧУН 1 ЙИЛ.

Билим юртига Узбекистоннинг шаҳарларида турувчи 8 синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги ўғил ва қизлар ошпазлик ва кондитерлик группасига қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИГАН МУДДАТ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқишни тамомлаганлар мутахассислик дипломи билан тўлиқ ўрта маълумот ҳам оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

ҲАР БИР ЎҚУВЧИГА 32 СУМ СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ, БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ёзилган ариза, 3x4 см. ҳажмдаги 5 дона фотосурат, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (асл нусхаси), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), соглиги тўғрисида справка (286-форма), турар-жойдан справка, мактабдан ёки ишлаган жойидан характеристика, шаҳар савдо бўлимидан ёки ошхоналар трестидан йўлланма, қарбий хизматга чақирилувчилар учет гувоҳномаси ёки харбий билет, ота ёки онасининг иш жойидан справка.

Билим юртигинг адреси: Тошкент шаҳар, «Оқтепа» массиви, (12, 13, 32, 34, 36, 48, 70-автобуслар, 4, 9, 15, 19, 21-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати).

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ **1975 — 1976** ўқув йили учун **ФАРМАЦЕВТ МУТАХАССИСЛИГИ БУЙИЧА**

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — БЕШ ЙИЛ.

ҲУЖЖАТЛАР — 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА, СТУДЕНТЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 21 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ариза институт ректори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: аттестат ёки ўрта махсус ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги диплом (асли), сўнгги ўқиш, иш ёки хизмат жойидан характеристика 5 дона фотосурат (3x4 см.), 286-формадаги медицина справкаси, иш стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасининг муассаса ёки корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган нусхасини топширишлари керак.

Ҳужжат топширилаётганда паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шахсан кўрсатадилар.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР: **химия** (оғзаки), **физика** (оғзаки), **биология** (оғзаки) ва **она тили ва адабиётидан** (ншшо) **топширадилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанов кўчаси, 35-уй.

Республика радио эшиттиришлари коллективи пропаганда бош редакциясининг редактори Х. Каримовга акаси

Алижон КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 01595. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б. — 161.